186 ХИЛ ХАЛҚАРО ВА МАҲАЛЛИЙ ФЕСТИВАЛЛАР ОРҚАЛИ ҚЎШИМЧА 1 МИЛЛИОН ХОРИЖИЙ ВА 5 МИЛЛИОН НАФАР ИЧКИ ТУРИСТЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИ БОР

MILLIY QADRIYATLARGA TAYANGAN TARAQQIYOT!

№ 15 (1164) 2022 йил 27 апрель, чоршанба

«MILLIY TIKLANISH» DEMOKRATIK PARTIYASINING IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

Milliy tiklanish

ISSN 2010-7714

www.mt.uz / milliytiklanish2022@umail.uz

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ БИЛАН 5 ТА КОДЕКС ВА 14 ТА ҚОНУНГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛМОҚДА

2

БИЗ ШАРҚҚА МАНСУБМИЗ!

4

4
АЧЧИҚ АСАЛ

Абдулла Қодирий куйиб-ёниб: «Бу миллат одам бўлмайди», деб ёзганларида мана шунга ўхшаган кўрсавод кишиларни назарда тутган бўлса керак.

5
ФАРЗАНДЛАРИМ ЎЗБЕКЧА ТАРБИЯ ОЛИШИНИ ХОҲЛАЙМАН!

Ўзбек аёли деганда миллатимизга хос муҳитда тарбияланган шарқ аёли кўз олдимизга келади. Бугун кўплаб опа-сингилларимиз дунёнинг турли бурчакларида ўқиш, иш ва ёки оилавий шароит туфайли мусофирликда яшамоқда.

6
ЭНГ ҚУЙИ ТИЗИМГА ЭНГ ЮҚОРИ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛЯПТИ

ҚАШҚАДАРЁЛИКЛАРНИНГ УШАЛМАС ОРЗУЛАРИ УШАЛАДИГАН БЎЛДИ

Қашқадарё қадимий тарихга, ўзига хос маданиятига эга бўлиши баробарида жуда бой ерости ва ерусти бойликларига эга вилоят. Бугунга келиб ҳар томонлама ривожланаётган Қашқадарё ҳудудлар орасида ҳам ўз имкониятлари ва салоҳияти билан яққол ажралиб туради.

Айниқса, вилоят аҳолисининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш учун Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси, шунингдек, "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" Давлат дастури доирасида вилоят учун 1,5 триллион сўмдан зиёд маблағлар ажратилиб, жами 2 минг 800 километр муҳандислик-коммуникация тармоқлари, 160 та ижтимоий соҳа объектларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш ишлари олиб борилаётгани танти ва мард воҳа аҳлининг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йилнинг 21-22 апрель кунлари вилоятга ташрифлари чоғида эса Қашқадарёнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари кўрсатилиб, ҳудуд ривожига кучли туртки берадиган аниқ вазифа ва чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Давоми 3-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

4 500 ДАН ОРТИҚ АРХЕОЛОГИЯ ЁДГОРЛИКЛАРИ ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ МУЗЕЙЛАРГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

26 апрель куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида туризм хизматлари кўламини кенгайтириш ва инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

2

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ УЧУН ИМТИЁЗ БЕРИЛМАСЛИГИ КЕРАК. ИНВЕСТОР ДАРОМАД ОЛИШ УЧУН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИМИ, МАРҲАМАТ, БАРЧА СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАБ, БУ ЕРДАГИ ТАЛАБЛАРНИ БАЖАРИШИ ШАРТ

НИМА УЧУН ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ТАЛАБЛАР КУЧАЙТИРИЛМОҚДА?

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси йиғилишида "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 473-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2021 йил 20 августда тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқотида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, бу билан махсус иқтисодий зоналарда фаолият кўрсатаётган субъектларга бир қатор имтиёзлар берилмоқда. Жумладан, тадбиркорлар киритган инвестиция ҳажмига қараб, яъни 3 миллион долларгача миқдорда – 3 йил, 15 миллион долларгача – 5 йил ва ундан кўп миқдорда инвестиция киритса, 10 йил муддатга фойда солиғидан озод этиладиган бўляпти.

– Тўғри, шу пайтгача биз 50 мингга ҳам, 100 минг доллар инвестиция киритганларга ҳам имтиёз бердик. Ўшанда бунга муҳтож эдик. Бугун Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишнинг янги сифат босқичига ўтди. Яъни, юртимиз инвестициявий жозибадор давлатга айланди. Дунё савдо биржаларига чиқяпмиз. Шундан келиб чиқиб, энди биз ҳам бу борадаги талабларни кучайтиряпмиз. Аслида, хорижий инвестиция учун имтиёз берилмаслиги керак. Инвестор даромад олиш учун Ўзбекистонга келдими, марҳамат, барча солиқларни тўлаб, бу ердаги талабларни бажариши шарт, – деди фракция раҳбари Алишер Қодиров.

Давоми 2-бетда

8

О, ота маконим,
Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
Сендай меҳрибон йўқ,
Сенингдек кўркам,
Римни алишмасман бедапоянгга.

Муҳаррир минбари

РОССИЯ НАШРЛАРИДАН БИРИДА **«ДАВЛАТ ДУМАСИ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ЯРМИ ПОРАХЎР...»** САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА ЧОП ЭТИЛИБДИ. ГАЗЕТА ТАҲРИРИЯТИДА ЭРТАЛАБДАНОҚ ТЎПОЛОН, ҚЎНҒИРОҚБОЗЛИК БОШЛАНИБДИ, БОШ МУҲАРРИРДАН ТОРТИБ МАҚОЛА МУАЛЛИФИГАЧА СИҚУВГА ОЛИНИБДИ. КЕЧГА БОРИБ ЭСА ДУМАДАН РАСМИЙ ХАТ КЕЛИБДИ: «ТЕЗДА РАДДИЯ БЕРИШИНГИЗНИ ТАЛАБ ЭТАМИЗ». ТАҲРИРИЯТ ХОДИМЛАРИ УЗОҚ ЎЙЛАШИБ, БОШ МУҲАРРИРНИ РАДДИЯ БЕРИШГА КЎНДИРИБДИ ВА УЙЛАРИГА ҚАЙТИШИБДИ. ГАЗЕТАНИНГ ЭРТАНГИ СОНИДА ЭСА КАТТА ҲАРФЛАР БИЛАН РАДДИЯ БЕРИЛИБДИ: **«ДАВЛАТ ДУМАСИ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ЯРМИ ПОРАХЎР ЭМАС...».**

Келгуси сонларда

2022 йилнинг 27 апрель санасидан: 1 АҚШ доллари 11221.87. 1 ЕВРО 11992.81. 1 Россия рубли 151.11. 1 Англия фунт стерлинги 14268.61. 1 Япония иенаси 87.79.

Келгуси ҳафтада Рамазон ҳайити муносабати билан халқимизга 5 кунлик дам олиш берилади

fb.com/milliytiklanish.gazetasi
t.me/milliy_tiklanish_gazetasi
www.mt.uz
milliytiklanish2022@umail.uz

«Milliy tiklanish»
ижтимоий-сиёсий газетаси
www.mt.uz
№15 (1164)
27 апрель 2022 йил, чоршанба

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 апрель куни туризм хизматлари кўламини кенгайтириш ва инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Дунёда пандемия пайтида ўрнатилган чекловлар биринкетин камаяётгани туфайли туризм индустрияси тиклана бошлаяпти. Жорий йилнинг биринчи чорагида юртимизга хориждан 610 минг нафар ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 баравардан зиёд туристлар келган. Кейинги ойларда янада кўп туристлар келиши кутилмоқда.

Йиғилишда туризм инфратузилмасининг бунга тайёрлик даражаси таҳлил қилиниб, камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, Қорақалпоғистон, Андижон ва Қашқадарёда меҳмонхона ўринлари етишмайди. Навоий, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида катта имкониятлардан фойдаланилмаяпти. Ёшларга мос туристик хизматлар жуда кам. «Оилавий» ва «барчаси ичида» хизматларни жорий қилиш ишлари суст.

Ҳудудлардаги 206 та термал ва минерал сувли булоқларнинг 18 тасидан фойдаланилмоқда, холос. Мисол учун, Қамчиқ довонида жойлашган Арашан кўллари сувининг ҳарорати қишин-ёзин 36 градус иссиқликда бўлиб, хорижий курортлардан қолишмайди. Ёки, Чимбой, Қораўзак ва Тахтакўпирда ер остидан 40-70 градус иссиқликда чиқадиган термал булоқлар атрофида санатория-курортлар ташкил қилиш мумкин.

Сайёҳларни жалб қилишда юртимиздаги 122 та музей салоҳиятидан ҳам фойдаланилмаяпти. Уларда 2 миллион 500 мингдан ортиқ ашёлар бўлиб, шундан 112 мингтаси жаҳон тарихи ва маданияти учун ҳам ноёб ҳисобланади.

Йиғилишда шу каби имкониятларни ишга солиб, туризм соҳасида пандемиягача бўлган кўрсаткичларни тиклаш, хизматлар кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Аввало, ҳар бир вилоятда туристларни ўзига оҳанрабодай жалб қиладиган йирик лойиҳаларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Масалан, Намангандаги «Афсоналар водийси», Бўстонлиқдаги «Амирсой» мажмуаларига кунига минглаб хорижий ва маҳаллий туристлар боради. Хорижий инвесторлар иштирокида Хонободда яна бир шундай лойиҳа бошланган.

Президент юртимизда бундай жойлар кўплигини таъкидлаб, қатор имкониятларни кўрсатиб ўтди.

Хусусан, Бойсунда дунёдаги энг чуқур ғорлардан бири ҳисобланган Бойбулоқ, неандертал одам қолдиғи топилган Тешиктош ғорлари, қадимий эллин маданияти ёдгорлиги бўлмиш Узундара қалъаси бор. Туманнинг табиати, иқлими ҳам зўр. У ерда меҳмонхона, кемпинг, «дор йўли», туристлар уйлари ташкил этиш орқали 500 минг сайёҳни жалб қилса бўлади.

Бундай имкониятлар Бўстонлиқдаги Товоқсой, Оҳангарондаги Овжасой, Ангрендаги Янгиобод, Шаҳрисабздаги Мираки, Янгиқўрғондаги Нанай, Попдаги Чодак қишлоқларида ҳам бор.

Шунингдек, Нукусдаги Ашшикўл, Бухородаги Зикрикўл, Жиззахда Айдаркўл ва Тузкон кўлида худди Чорвоқдагидек чўмилиш зоналари ташкил этиш мумкинлиги таъкидланди.

«Ўзбекистон туризм магистрали» бўйлаб 31 та туман ва шаҳар ҳудудидан ўтувчи йўллар бўйида автотураргоҳ, кемпинг, автосервис, овқатланиш, ёқилғи қуйиш каби хизматларни қамраб олган «Карвонсарой»лар барпо этиш чоралари белгиланди.

Тошкент шаҳрида хорижий туристлар учун камида 3 кунга мўлжалланган «1 минг доллар-лик хизматлар тўплами» шакллантирилади. Бу дастур йил давомида ишлайдиган аквапарк ва мавзули парклар, гастрономик ва савдо кўчалари, жонли ижро концертлари, шоу ва фестивалларни ўз ичига олади.

Йиғилишда ички туризмни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борадаги кўрсаткични 10 миллион нафарга етказиш вазифаси қўйилар экан, бунинг имкониятлари ҳам белгилаб берилди.

Хусусан, 1 июлдан бошлаб, туризм қишлоқларида меҳмон уйлари, овқатланиш ва савдо шохобчалари, кўнгилочар жойлар ташкил этган тадбиркорлар уч йил давомида айланмадан олинадиган солиқ ва ижтимоий солиқни 1 фоиз ставкада, мол-мулк, ер, сув солиқларини ҳисобланган суммадан бор-йўғи 1 фоизини тўлайди. Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида, бундай қишлоқларда меҳмон уйлари ташкил этишга 50 миллион сўмгача, ўтов ва эко-уйлар мажмуасига 300 миллион сўмгача, чодирли лагерлар қуришга 300 миллион сўмгача кредитлар берилади. Ҳар йили туризм қишлоқларининг 200 нафар ёшлари бюджет ҳисобидан Туризм техникумларида бепул ўқитилади.

Ҳокимларга туризм қишлоқларида йўл, электр энергияси, ичимлик суви, алоқа тармоқларини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди. Бунга жорий йилда республика бюджетидан 250 миллиард сўм ажратилади.

Шу билан бирга, хорижий туристларга саёҳатнинг барча босқичларини ташкиллаштиришга кўмаклашувчи сайтлар, мобил иловалар яратиш зарурлиги таъкидланди.

Туристларни жалб этиш ва саёҳатларни мазмунли ўтказишда маданий тадбирлар ҳам муҳим ўрин тутади. Юртимизда 186 хил халқаро ва маҳаллий фестиваллар ташкил этилади. Улар орқали қўшимча 1 миллион хорижий ва 5 миллион нафар ички туристларни жалб қилиш имконияти бор. Мутасаддиларга ушбу тадбирларни юқори савияда ва хавфсиз ташкил этиш, бутун дунёга кенг тарғиб қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Жорий йилда Наврўз байрами муносабати билан қўшимча дам олиш кунлари белгиланган, 250 та меҳмонхона ва музейларда чегирма берилгани, зиёрат объектлари бепул қилингани ички туризм учун катта туртки берди. Бунинг натижасида Бухоро ва Самарқандга қўшимча 110 минг маҳаллий туристлар борган. Келгуси ҳафтада Рамазон ҳайити муносабати билан ҳам халқимизга яна 5 кунлик дам олиш берилади.

Давлатимиз раҳбари бундай ишларни фақат байрамлар арафасида эмас, балки йил давомида тизимли равишда ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Шу мақсадда, бу йилдан бошлаб барча давлат ташкилотлари ходимлари учун йилига бир марта маҳаллий саёҳатга чиқиш харажатларининг 20 фоизини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қоплаш амалиёти йўлга қўйилиши белгиланди.

Бундан ташқари, 1 сентябрдан бошлаб, юртимиз бўйлаб саёҳат қилаётган фуқароларга авиа, темир йўл ва автобус чипталари нархининг 15 фоизи, меҳмонхона харажатининг 20 фоизи, музей ва бошқа маданият объектларига чипта нархининг 50 фоизини қайтариш тизими жорий этилади.

Музейлар фаолиятини самарали ташкил этиш ҳам туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, республика бўйича барча музейлар экспонатларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларнинг электрон базасини яратиш, музейлар раҳбар ва ходимларининг малакасини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Музейларнинг кўргазма майдонлари камлиги сабабли атиги 1 фоиз экспонат намойишга қўйилган. Қолаверса, аҳолининг узоқдаги музейларга бориш имконияти йўқ. Шунинг учун, «Санъатни халққа яқинлаштириш» дастури доирасида ҳудудларда музейларнинг кўчма кўргазмаларини ташкил қилиш кераклиги айтилди. Юртимиздаги 4 минг 500 дан ортиқ археология ёдгорлигини очиқ осмон остидаги музейларга айлантириш вазифаси қўйилди.

Сайёҳатларни ташкил этишдаги энг муҳим воситалардан бири транспортдир. Ҳозирги кунда транспорт харажатларининг юқорилиги хорижий туристларни жалб қилишда асосий тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда. Халқаро ва маҳаллий йўналишларда «лоукостер»лар кўп эмас. Замонавий «Афросиёб» поездига чипта олиш учун бир неча ҳафта олдин мурожаат қилиш зарур.

Шу боис, Транспорт вазирлигига туризм соҳасида транспорт инфратузилмасини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди.

Сайёҳларнинг авиақатновларга бўлган талабини қондириш мақсадида 1 июлдан бошлаб, «Зиёрат туризми» дастури доирасида хорижий авиакомпанияларга кўрсатиладиган хизматларга 50 фоизгача чегирмалар жорий қилинади. 1 октябрга қадар маҳаллий авиақатновларга мўлжалланган янги «Silk avia» компанияси ташкил этилади. Харажатларни камайтириш мақсадида 9 та самолёт тўлиқ эконом-классга ўтказилади.

Йиғилишда соҳа мутасаддилари, ҳокимлар ва тадбиркорлар сўзга чиқиб, режа ва таклифларини билдирди.

ЎзА

Фракцияда

(Бошланиши 1-бетда)

НИМА УЧУН ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ТАЛАБЛАР КУЧАЙТИРИЛМОҚДА?

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тадбиркорларга тежалган маблағлар ҳисобидан янги корхоналар ташкил этиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконини беради.

Йиғилишда «Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Қайд этиш лозим, юртимизда узоқ йиллардан буён трансплантация йўналишида қонунчилик асослари бўлмагани боис, трансплантология клиник фан сифатида ривожланмади ва бу кўплаб беморлар ҳаётини сақлаб қолиш имкониятини йўққа чиқарди. Натижада кўплаб юртдошларимиз қиммат бўлишига қарамай, бундай операцияларни чет элда ўтказишга мажбур бўлдилар. Хорижда эса бу каби операциялар 15 мингдан 250 минг АҚШ долларгача баҳоланади. Дунё бўйича ҳар йили 200 мингдан ортиқ шундай операциялар амалга оширилар экан. Маълумотларга қараганда, бугун мамлакатимизда аъзолари ва тўқималари трансплантация қилиниши керак бўлган ўн минглаб беморлар бор. Жумладан, буйрак трансплантациясига 4 минг, жигар трансплантациясига 2 минг, юрак трансплантациясига минг, ўпка трансплантациясига эса 500 нафар бемор муҳтожлик сезмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг сентябрь ойида хирургия хизматини трансформация қилишга оид тақдимотда ушбу масалага тўхталиб, бу соҳани ривожлантиришга қаратилган устувор вазифаларни белгилаб берганди. Шунингдек, тегишли идораларга кенг жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда ушбу масалада қонун лойиҳасини тайёрлаш вазифаси қўйилган эди. Ушбу қонун лойиҳаси билан инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасидаги муносабатлар тартибга солинмоқда, тегишли идораларнинг ваколатлари, мажбурият ва чекловлари ҳамда донорларнинг ҳуқуқлари белгиланмоқда.

Ушбу қонун инсоннинг кўпайишига тааллуқли бўлган аъзолар ва тўқималар, қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасидаги муносабатларга татбиқ этилмайди, албатта. Шунингдек, 18 ёшга тўлмаганлар, муомалага лаёқатсиз ёки руҳий хасталар, қамоқдагилар, I ва II гуруҳ ногиронлари, ҳомиладор аёллар, шахси аниқланмаган ва муайян яшаш жойи бўлмаганлар, «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Мурувват» уйларида яшовчилар, аъзоси ёки тўқималари илгари трансплантация учун олинганлар, Ўзбекистон фуқароси чет давлат фуқароси бўлган реципиент учун донор бўлиши ҳам мумкин эмас. Шунингдек, трансплантация қилинадиган одам аъзоларининг ёки тўқималарининг олди-сотдиси, уларни Ўзбекистондан ташқарига олиб чиқилиши тақиқланади.

Фракция аъзоси Жуманазар Отажоновнинг таъкидлашича, донорлар, реципиентлар, шунингдек, инсон аъзолари ёки тўқималарининг ягона давлат реестри юритилади. Энг муҳими, бундай операциялар давлат бюджети, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Депутатлар «Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилиб, биринчи ўқишда маъқулладилар. Таъкидлаш лозим, ер участкаларини жамоат эҳтиёжи учун олиб қўйиш, ҳеч қандай ҳужжатларсиз объектларни бузиб ташлаш ёки белгиланган товон пулини тўламаслик ҳолатлари ҳамон давом этяпти ва бу аҳоли норозилигига сабаб бўлаяпти. Бундай хатти-ҳаракатлар Ўзбекистоннинг халқаро имижига ҳам салбий таъсир этаётир.

Жумладан, БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмитаси яқинда Ўзбекистондаги «снос» ва «мажбурий кўчириш» жараёнларида инсон ҳуқуқлари бузилаётганидан хавотирлик билдириб, бу борада кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўришни тавсия қилди.

Ушбу тавсияда қайд этилишича, Самарқанд шаҳридаги 6 мингга яқин фуқаро уйлари бузилишидан, Тошкент шаҳрида эса 10 мингдан ортиқ фуқаро компенсациядан норози бўлгани ҳолда кўчирилгани, шунингдек, яна 30 минг нафар жабрланганлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Шунингдек, «Мерос жамғармаси»нинг (АҚШ) 2022 йилдаги «Иқтисодий эркинлик» индексида «Мулкчилик ҳуқуқи» индикатори бўйича Ўзбекистон 100 баллдан 31,6 балл билан баҳоланиб, 183 та мамлакат орасида 148-ўринни (2021 йилга нисбатан 73 поғона пасайган), «Жаҳон одил судлов лойиҳаси» ташкилотининг 2021 йилдаги «Ҳуқуқ устуворлиги» индексида «Ҳукумат суд қарорисиз ва адолатли товонсиз мулкни мусодара қилмаслиги» субиндикатори бўйича Ўзбекистон максимал 1 баллдан 0,25 балл олиб, 139 та мамлакат ичида 138-ўринни (2020 йилга нисбатан 10 поғона пасайган) эгаллаган.

– Ушбу лойиҳа билан қонунчиликда ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишнинг аниқ ва тўғридан-тўғри амал қилувчи тартиб-таомиллари ва механизмлари белгиланмоқда, – деди фракция аъзоси Зафар Абдиримов. – Шунингдек, хорижий тажрибадан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси билан 5 та кодекс ва 14 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Равшан МАҲМУДОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири

Пойтахтимизда янги қурилган метро станцияларининг Сергели йўналишидаги 5 та номсиз (1,2,3,4,5-бекат деб номланган) метро бекатларининг иккитасига ҳам Шароф Рашидов ва Турсунбой Рашидовлар номи қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ҳисоблайман.

ШАРОФ РАШИДОВ САМАРҚАНДГА ҚАЙТДИ

Узоқ ва яқин тарихимизда шундай инсонлар бўлганки, уларнинг ҳар нафасида ватанпарварликнинг ширин иси уфуриб турган. Жиззах заминида туғилиб, қадим Самарқандда ўқиган, бутун умрини халқимиз фаровонлиги ва ватанимиз равнақига бағишлаган давлат арбоби Шароф Рашидов шундай инсон эди.
Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 13 январдаги «Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида мазкур олийгоҳга Шароф Рашидов номи берилиши белгилаб қўйилди.

Бу албатта, Шароф Рашидов номини абадийлаштириш, унинг хотирасига бўлган юксак эҳтиром намунаси бўлди.

Давлат ва жамоат арбоби, улкан адиб Шароф Рашидович Рашидов 1917 йилнинг 6 ноябрида Жиззах шаҳрида туғилган. 1935 йилда Жиззах педагогика техникумини, 1941 йилда Самарқанд давлат университетининг филология факультетини тугатган. Унинг ҳаёти фақатгина талабалик йилларидагина эмас, балки кейинчалик ҳам тарихий ва афсонавий шаҳар – Самарқанд номи билан боғлиқ бўлди. У 1937-1943 йилларда Самарқанд вилояти газетасининг масъул котиби, мўҳаррир ўринбосари ва муҳаррири сифатида, 1944-47 йилларда Ўзбекистон Компартияси Самарқанд вилоят комитети котиби, 1947-49 йилларда «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳаррири вазифаларида ишлади. 1949-50 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви раиси, 1950-59 йилларда Ўзбекистон Олий Совети Президиуми раиси, 1959-1983 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг биринчи котиби сифатида фаолият олиб борди. Шароф Рашидов қаерда ишламасин, ўзининг университетда олган мутахассислигини ҳеч қачон четга суриб қўймади, доимо адабиётга содиқ қолди. Унинг «Чегарачи» достони (1937), «Қаҳрим» шеърлар тўплами (1945), «Ғолиблар» қиссаси (1953), «Бўрондан кучли» (1958), «Қудратли тўлқин» (1964), «Ғолиблар» (1972) романлари, «Кашмир қўшиғи» лирик қиссасини (1956) нафақат ўзбек, балки бошқа миллат китобхонлари ҳам ҳанузгача севиб ўқийдилар.

Шароф Рашидов мамлакатни бошқарган кезларда йирик лойиҳаларни амалга оширишга ҳаракат қилди. Шулардан бири – Чкалов номидаги Тошкент авиация заводи эди. Ушбу бирлашма дунёнинг энг катта 5 та авиация корхонасининг бирига айланиб, бу ерда йилига 60 та катта самолёт, Тошкент трактор заводида эса йилига 21 мингта трактор, «Ташсельмаш» заводида 10 минг пахта йиғиш комбайни ишлаб чиқарилган. 1969 йили эса Ўзбекистонда яна бир йирик қувват – Мурунтов олтин кони очилиб, йилига 100 тонна олтин қазиб олинган.

Шароф Рашидовнинг оиласи ҳақида гап кетганда, у кичик илмий академия дейилса, муболаға бўлмасди. Қизи Сайёра Рашидова – Миллий Университет қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази директори, кимё фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги. Яна бир қизи Гулнора Рашидова – тарих фанлари номзоди, куёви – Абдулазиз Комилов – дипломат эди.

Шароф Рашидов раҳбарлик қилган йилларда амалга оширилган йирик лойиҳалардан яна бири бу – Тошкент метрополитенининг қурилиши бўлди. 1966 йилнинг сентябрь ойида ҳукумат томонидан «Тошкент шаҳрини 26 апрелда содир бўлган зилзила оқибатларидан кейин тиклаш тўғрисида давлат программаси» қабул қилинган бўлса-да, аммо унда Тошкентда метрополитен қурилиши тўғрисидаги таклиф инкор этилган эди. Москва ушбу ҳолатни турли соҳа олимларининг «Тошкент фаол зилзилалар содир бўладиган минтақада жойлашган ва бундай жойда жаҳон метросозлиги тарихида ҳеч қачон метро қурилмаган», деган хулосаси билан асослади.

1933
йилда Педагогика академияси ва тиббиёт институти негизида Ўзбекистон давлат университети (СамДУ ўтмишдоши) ташкил этилиб, у Ўрта Осиёдаги энг йирик университетлардан бирига айланди.

Шундан кейин Шароф Рашидов сейсмодинамика соҳасида жаҳоннинг етакчи олимлари сафидан ўрин олган Турсунбой Рашидовнинг Москва олимларининг фикрини ўзгартирадиган илмий назарий ва амалий математика фани методлари асосида синаб кўрилган – моделлаштирилган энг кучли зилзилаларга чидамли метро қуриш концепсиясини тақдим этди. Ва, кўп ўтмай олимларимиз 37 та илмий-текшириш институти, вазирлик ва давлат қўмиталарида бўлиб, уларни Тошкентда 9 балли зилзилага чидамли метро қуриш лойиҳасини илмий-техник асосланган модели билан таништирдилар. Охир-оқибат ижобий натижага эришилди ва 1970 йил бошида ҳукумат Тошкент шаҳрида метро қурилиши лойиҳасини тасдиқлаб, маблағ ажратди.

1977 йилнинг 6 ноябрига келиб эса Тошкент метрополитени қурилишининг биринчи навбати якунига етиб, ер ости темир йули ишга туширилди...

Қарийб 25 йил давомида Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини оширишга ҳаракат қилган, бу йўлда тинмай курашган инсон Шароф Рашидов 1983 йилнинг 31 октябрида вафот этди.

Маълумки, Самарқанд давлат университетининг тарихи 1420 йил 21 сентябрда ташкил этилган Мирзо Улуғбек мадрасасига бориб тақалади. Ушбу университет Мирзо Улуғбек мадрасасининг бевосита давомчиси эканини ёзма манбалар ва илмий тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Шу нуқтаи назардан олиб қарасак, 2020 йилда Самарқанд давлат университети ўзининг 600 йиллик юбилейини нишонлагани маълум бўлади. 1927 йил 22 январда эса Самарқандда Олий педагогика институти ташкил этилади. Бу ўқув даргоҳи Ўрта Осиёда очилган биринчи олий ўқув юртларидан бўлиб, талабаларга дарс бериш учун мадрасада олий маълумот олган зиёлилар билан бир қаторда Москва, Ленинград ва Киевдан профессор-ўқитувчилар ҳам таклиф қилинган эди. 1930 йилга келиб, ушбу таълим муассасасига Олий педагогика академияси номи берилди. Академиянинг биринчи ректори этиб, ўз даврида «Сталинча» қатағонларни бошидан кечирган Карим Абдуллаев (1931-1935) тайинланган.

1933 йилда Педагогика академияси ва тиббиёт институти негизида Ўзбекистон давлат университети (СамДУ ўтмишдоши) ташкил этилиб, у Ўрта Осиёдаги энг йирик университетлардан бирига айланди. Ўтган йиллар давомида мазкур университетда ўнлаб йирик давлат, маданият ва фан арбоблари, ёзувчи ва шоирлар ўқидилар. Хусусан, Шароф Рашидов, Ҳамид Олимжон, Уйғун, академик Иброҳим Мўминов, академик Яҳё Ғуломов, Муҳаммад Осимий, Абдулло Ғани, Миртемир, Усмон Носир, Манзура Собирова, Ҳабиб Юсуфлар шулар жумласидандир.

1941 йилга келиб эса Ўзбекистон давлат университетига XV асрнинг 60-йилларида Мирзо Улуғбек мадрасасида таҳсил олган шоир, файласуф ва давлат арбоби Алишер Навоий номи берилди. Афсуски, шу йилнинг ўзидаёқ Иккинчи жаҳон уруши сабабли Самарқанд давлат университети вақтинча Тошкент давлат университетига (1941-1944 йй) қўшиб юборилади. Фақат 1944 йилга келибгина ректор Муса Мўминов ташаббуси ва мамлакат раҳбарияти қўмагида университет қайта тикланади. 1944-1951 йилларда олийгоҳда Иброҳим Мўминов, Садриддин Айний, У.Турсунов, И.Куклес, Р.Искандаров, И.И.Умняков ва бошқа кўзга кўринган олимлар дарс бердилар.

1961 йилга келиб Ўзбекистон давлат университети Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети деб қайта номланди. 1992 йилда эса С.Айний номидаги Самарқанд педагогика институти СамДУ таркибига киритилди. 1994 йилда Самарқанд давлат университетининг чет тиллар факультети негизида Самарқанд давлат чет тиллар институти ташкил этилди.

Мухтасар айтганда, Самарқанд давлат университетига Ўзбекистонни жуда мураккаб ва оғир йилларда бошқариб, юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, ижтимоий ва ижодий фаолияти билан миллий адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби Шароф Рашидов номининг берилиши унинг хотирасига бўлган юксак эътибор намунаси бўлди.

Якунда эса пойтахтимизда янги қурилган метро станцияларининг Сергели йўналишидаги 5 та номсиз (1,2,3,4,5-бекат деб номланган) метро бекатларининг иккитасига ҳам Шароф Рашидов ва Турсунбой Рашидовлар номи қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ҳисоблаймиз.

Гулчеҳра НАВРЎЗОВА,
ф.ф.д., профессор.
Мавлуда РАҲМОНОВА,
мустақил изланувчи

Кутинг!

Жараён

(Бошланиши 1-бетда)

ҚАШҚАДАРЁЛИКЛАРНИНГ УШАЛМАС ОРЗУЛАРИ УШАЛАДИГАН БЎЛДИ

Жумладан, тиббиёт муассасалари, мактаб, болалар боғчалари таъмирталаб экани, 19 та мактабда қатнов коэффициенти юқорилиги сабабли вилоятга ижтимоий соҳа ва инфратузилмани яхшилаш учун 360 миллиард сўм ажратилиши маълум қилинди. Шунингдек, халқаро молия институтлари маблағларидан 100 миллион доллар имтиёзли маблағлар йўналтирилиши белгилаб қўйилди.

Гарчи, вилоят улкан саноат салоҳиятига эга бўлса-да, бугунги кунда ялпи ҳудудий маҳсулотда саноат улуши атиги 18 фоизни ташкил этмоқда.

Шу боис, вилоятда 2022-2023 йилларга мўлжалланган умумий қиймати 14,7 триллион сўм бўлган 270 та саноат лойиҳа амалга ошириладиган бўлди. Эътиборлиси, Таллимаржон иссиқлик электр станцияси қувватини кенгайтириш, Ғузорда қуёш электр станцияси барпо этиш, Деҳқонобод ва Қамашида қурилиш материаллари кластерини ишга тушириш, Китоб туманида цемент заводи ташкил қилиш каби йирик лойиҳалар бошлаб юборилгани айтилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида имкониятлари юқорилиги ва кўпчилик аҳолининг даромади мазкур соҳага боғлиқ экани инобатга олиниб, келгусида 7,4 триллион сўмлик 524 та лойиҳани амалга ошириш натижасида 286 мингта янги иш ўрни яратиладиган бўлди. Жумладан, томорқада мева-сабзавот етиштириш, чорвачилик ва коврачилик қўллаб-қувватланади. Бунинг учун Яккабоғ, Чироқчи, Қамаши, Шаҳрисабз ва Китоб туманларини сув билан таъминлаш мақсадида «Аёқчисой» сел сув омбори қурилади.

Вилоятда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш долзарб эканини ҳисобга олиб, инфратузилма дастури доирасида ва қўшимча ажратилаётган жами 575 миллиард сўм ҳисобидан 1 минг 823 километр ичимлик сув тармоқлари, 74 та сув иншооти қурилиб, реконструкция қилинадиган бўлди.

Бунинг натижасида, 500 минг нафар аҳоли илк бор сифатли ичимлик сув билан таъминланади, 160 минг нафар аҳолининг сув таъминоти яхшиланади ва марказлашган ичимлик сув таъминоти 43 фоиздан 58 фоизга етказилади. Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан қашқадарёлик хотин-қизларни янада қўллаб-қувватлаш, уларни жамиятда фаоллигини ошириш мақсадида 8,5 минг нафар хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун 83 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилади, 500 нафар эҳтиёжманд аёлларга уй-жой сотиб олиш учун субсидиялар берилади.

Ижарада яшаётган 785 нафар аёлларга компенсация ажратилади, 112 нафар муҳтож ва уй-жойсиз ёлғиз аёллар ижтимоий уйларга жойлаштирилади, 4 минг 700 нафар ёлғиз ва муҳтож аёлларнинг фарзандлари учун давлат боғчалари тўлови бюджетдан қопланади.

Бундан ташқари, янги ўқув йилидан 12 минг 410 нафар талаба қизларга контракт тўлови учун фоизсиз кредитлар ва магистратурада контракт асосида ўқиётган 702 нафар талаба қизларнинг контракт пулларини бюджетдан тўлаб берилиши таъминланади.

Албатта, буларнинг барчаси вилоятда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ва камбағалликни қисқартиришга, муҳими аҳоли фаровонлигини ошириш билан бирга уларнинг яшаш-шароитини янада яхшилашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Фарҳод ЗАЙНИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

fb.com/milliytiklanish.gazetasi
t.me/milliy_tiklanish_gazetasi
www.mt.uz
milliytiklanish2022@umail.uz
Чоршанба
27 апрель, 2022 йил
№15 (1164)

2022 БИЗ

2022 йилнинг 1 апрелида «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашида бўлиб ўтган «Шарқона гендер тенгликни таъминлашнинг долзарб масалалари» мавзусидаги давра суҳбатида бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва соҳага доир миллий ҳамда халқаро тажрибалар атрофлича муҳокама қилинган эди. Қайд этиш жоизки, кўпчилик мутахассислар эътиборини тортган тадбирда партиямизнинг шарқона гендер тенгликни таъминлашга доир таклиф ва ташаббуслари қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Давра суҳбати хулосаларининг ниҳоятда муҳим эканини инобатга олиб, уларни ўқувчиларимиз ҳукмига ҳавола этишга қарор қилдик.

Феруза МУҲАММАДЖАНОВА, партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари:

ҲАММАНИНГ ЎЗ ҲАҚИҚАТИ БОР

– Ўтган беш йил мобайнида гендер тенгликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистонда ҳам бир қатор қонунлар қабул қилинди, долзарб ғоя ва ташаббуслар илгари сурилди. Ниҳоятда қисқа фурсат бўлишига қарамай, улар ижросига масъул тузилмалар шакллантирилди. Натижада яқиндагина тор соҳа вакилларигагина маълум бўлган «гендер» тушунчаси ҳақида кўпчиликда ўзига хос қарашлар пайдо бўлди. Бироқ бу жараёнда гендер тушунчаларини нотўғри талқин қиладиганлар ҳам пайдо бўлди, дейиш мумкин. Боз устига ахборот асрида, зиддиятларга бой ахборот бозорида мавзуни ўзи билганча таҳлил этаётган «экспертлар» учрамоқда. Шу маънода гендер таълимини тўғри ташкил этиш масаласи ҳамон долзарб бўлиб қоляпти.

Шунинг учун ҳам умумэътироф этилган халқаро нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилаётган бир пайтда «Аёллар қаноти» томонидан шарқона гендер тенглик тамойилларини чуқур ўрганиш ва амалга татбиқ этиш жараёнига жиддий киришилди. Зеро, ғарбда фарзандсиз оила ғояси илгари сурилиб, оила керакмас матоҳдек талқин қилинаётган, энг аянчлиси, айрим давлатлар Конституцияларидан ота-оналарнинг ҳуқуқ ҳамда бурчларига оид моддалар чиқариб ташланаётган бугунги кунда илдизимизни бақувват қиладиган қадрият ва анъаналаримизга таяниб, биз энг аввало, шарққа мансублигимизни кўрсатишимиз керак.

Ушбу мавзуни кун тартибига қўйишимизнинг сабаби бор, албатта. Тўғри, тамаддунлар тўқнашаверади. Бу масалада ҳам ҳамманинг ўз ҳақиқати бор. Гарчи «гендер» тушунчаси ғарб олимлари томонидан илгари сурилган бўлса-да, шарқнинг бу борада ғарбга ўргатадиган томонлари сероблигини унутмаслик керак. Энг муҳими, шарқона гендер тенглиги нафақат ғарб учун, балки дунёнинг барқарор ривожланиши, керак бўлса, одамзоднинг узвий анъаналар асосида яшаб қолиши учун ҳам аҳамиятлидир.

Феруза МУҲИДДИНОВА, юридик фанлар доктори, профессор:

УЙ БЕКАСИДАН ДАВЛАТ БОШҚАРУВИГАЧА...

– Халқимиз тарихи ва маънавиятининг илк сарчашмаси ҳисобланмиш «Авесто»да қадимда юртимизда аёлларнинг ҳурмати жойига қўйилиб, эъзозлангани баён этилган. Жумладан, аёл оқила ва донолиги билан ҳам оила, ҳам фарзанд, ҳам жамоада ўз ўрнига эга бўлгани учун, эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал тимсолида кўрсатиб ўтилган. Кушонлар, эфталитлар ва ҳатто турк хоқонлиги даврида ҳам хотин-қизларнинг мавқеи устун бўлганлиги тарихий манбалардан маълум.

Шу боис, Тўмарис ва унинг келини Зарина ҳақидаги маълумотлар қадим Юнон, Хитой тарихчилари асарларида ҳам қайд этилган. Араблар босқини даврида эса Бухоро шаҳрини аёл ҳукмдор бошқаргани ҳақида маълумотлар мавжуд.

Буюк жаҳонгир Амир Темур рафиқаси Бибихоним билан маслаҳатлашиб давлат ишларини бошқаргани тарихдан маълум.

Бобур Мирзо ҳам давлат ишларида Хонзодабегим билан маслаҳатлашган. Умуман, маърифатпарвар боболаримиз хотин-қизларни илмли бўлишга ундашган ва ҳатто, бу жараёнга сиёсий мақом ҳам беришган. Шу фикрларнинг ўзиёқ шарқда, айнан ўзбек давлатчилиги бошқаруви тарихида аёлларнинг эркаклар билан елкама-елка иштирок этганини тасдиқлайди.

Шу ўринда Амир Темур қўшинида ҳатто аёл сипоҳлар бўлгани ҳақида маълумотлар борлигини таъкидлаш жоиз. Шарқона гендер тенглиги масаласининг асл моҳиятини таҳлил қилиб шуни таъкидлаш жоизки, аёл қайси лавозим эгаси бўлишидан қатъий назар, уйга қайтгач у уй бекаси, меҳрибон она, суюкли ёр ва албатта, меҳрли, оилапарвар келин эканини ҳам унутмаслиги жоиз!

Шу маънода ҳам партиямизнинг шарқона гендер тенглик концепциясини ишлаб чиқиш ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ушбу масалани илмий тадқиқ этишга ҳам ўз ҳиссамни қўшишга тайёр эканимни билдириб қоламан.

Саодат ДАВЛАТОВА, тарих фанлари доктори:

ШАРҚОНА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ВА ХАЛҚ МЕНТАЛИТЕТИ

Шарқона гендер тенглик ҳақида сўз очилганида маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитратнинг «Тараққиётга эришиш учун хотинларимиз ва қизларимиз – миллат оналари тарбия ва илм олишлари лозим, аҳлоқ ва билимларини камолга етказишлари зарур. Акс ҳолда хотинларимиз эркаклардан ҳам қўрқоқроқ, заифроқ ва ғайратсиз бўлганларидан болаларимиз ҳам уларга ўхшаб кетадилар», деган сўзлари эсга келади. Демак, шарқона гендер тенглик тушунчаси бу – уй юмушлари, рўзғор ташвишлари, оила бошлиғи – ота ёки эрга сўзсиз итоат қилиш айрим ҳолларда кузатилаётгандек, ҳақоратлар ёки хўрликларга чидаш, аёлларнинг ички дунёси ва руҳиятида кўрқув ҳамда қуллик, итоаткорлик пайдо бўлишига олиб келадиган жараён эмас. Афсуски, бугун шарқона гендер тенглик тушунчаси борасида чуқур таҳлил этилмаган хулосаларнинг баён қилиниши халқимиз онгидаги нотўғри қарашларга сабаб бўлмоқда. Шу маънода ҳам «Миллий тикланиш»чилар томонидан ушбу масаланинг кўтарилиши айни муддаодир.

Тарихдан маълумки, ҳар бир жамият ўзининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш жараёнларига ҳам хотин-қизларни жалб этиб келган.

Масалан, олима Б.З.Кармишеванинг таъкидлашича, XIX аср охири XX аср бошларида аёллар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар товар ишлаб чиқаришнинг деярли асосий қисмини ташкил этган.

Бироқ бу фаолият эркаклар меҳнатичалик тақдирланмасдан унга оддий юмуш сифатида қаралган. Жумладан, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида амалга оширилган «Ҳужум» ҳаракатининг асл мақсади ҳам фақат паранжи ташлашдан иборат эмас, балки хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга кенг жалб этишдан иборат эди. Шу мақсадда XX асрнинг 30 йилларида Ўзбекистонда ва қўшни республикаларда аёллар меҳнат қиладиган бир қатор артеллар ташкил этилган. Шуни таъкидлаш керакки, дастлабки йилларда аёлларнинг кучидан кенг фойдаланиш масаласига эҳтиёткорона ёндашилди. Улар бирданига фабрика ва заводларнинг оғир ишларига тортилмади. Бироқ кўп ўтмай аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли эканлиги ғояси тезда такомиллаштирилиб, аёллар ҳам ғишт териш, ташиш ва дурадгорлик ишларига жалб этилди. Ўз пайтида ЎзССР МИҚ ҳузуридаги хотин-қизлар меҳнати ва турмушини яхшилаш комиссияси раиси А.Вольний аёллар металл ва ёғочни қайта ишлаш саноатида ҳам бемалол ишлай оладилар, дея баралла гапирганини айтиш мумкин. Шунингдек, А.Вольний: «Биз металлни қайта ишлаш саноатига 10 минг ишчи тайёрлашимиз зарур, уларнинг 15 фоизи аёллар бўлиши керак. 7 минг шофёрнинг – 50 фоизи, 27 минг тракторчининг 20 минг нафари хотин-қизлар бўлади», – деб таъкидлаган эди.

Собиқ Иттифоқ даврида барча жабҳалардаги аёллар фаолиятига назар ташласак, унда маҳаллий шарт-шароит, аҳоли менталитети, миллий қадриятлар ва албатта, диний ақидалар билан ҳисоблашилмасдан, юқоридан кўрсатилган буйруқ ва қарорлар асосида фаолият олиб борилганлигини кўриш мумкин. Натижада, асрлар мобайнида яшаб келаётган қадриятларга «хурофот», «эскилик сарқити» деган тамға босилди, тарғиботташвиқот ишлари шу мафкура асосида аёллар ва ёшлар онгига сингдирилди. Энг ёмони, уларнинг илм ва ҳунар эгаллашлари билан боғлиқ масалалар бир четда қолиб кетаверди.

Бугунга келиб эса мамлакатимизда гендер тенгликни, айниқса, шарқона гендер тенгликни тўлақонли таъминлаш Ўзбекистоннинг қадриятларга таянган тараққиёт йўлидан оғишмай бораётганини кўрсатади, албатта.

Тарози палласи

АЧЧИҚ АСАЛ

ёхуд Абдулла Ориповнинг «Отабек ва Кумуш» романини ўқиган талаба ҳақида

Яқинда бир дўстимиз узоқ йиллар хорижда ишлаб Ўзбекистонга қайтди. Орадан кўп ўтмай, у бизни уйига чорлади. Бордик, дастурхон тўкин, одамнинг жонидан бўлак ҳамма нарса бор. Қисқаси, ноз-неъматнинг кўплигидан столнинг бели букилгудек. Суҳбат ҳам авжида: давра турида қўр тўкиб ўтирган хонадон соҳиби ҳеч кимга гап бермай, хорижда бекор юрмаганлигини, қўша-қўша машина олгани-ю уйлар солганини тўлиб-тошиб гапирарди.

Кимдир шу орада болаларининг қаерда ўқиши-ю нималарга қизиқиши ҳақида сўраб қолди. Даврага бирдан шундай жимлик чўкдики, ҳатто пашшалар ҳам бу саволдан ҳижолат тортгандек ғинғилламай қўйишди. Сукут... сукут... сукут... Кейинроқ англасам, бу савол эгаси ўзи билмаган ҳолда даврадагиларнинг барчасини ўйлантириб қўйган экан. Ўшандан буён ўйлаб ўйимга етолмайман. Қаёққа қараб кетяпмиз ўзи?! Қачондан буён ўқиш, орзу қилган соҳада ишлаш уй-жой-у хориж машиналаридан кейин муҳокама этиладиган бўлиб қолди?!! Бунинг оқибатида қаергача борамиз?! Нега биз ўқимай қўйдик?! Нега китоб дўконларини четлаб ўтадиган бўлиб қолдик?! Аччиқ ҳақиқат шундаки, бугун ўзини олиму фозил санаб юрган илм аҳли ҳам фарзанди ё неварасига қачон китоб олиб берганини эслай олмай қоляпти.

Зотан, китоб ўқиган миллат янада баландроқ чўққиларни орзу қила бошлайди, тафаккур қилади. Яқинда Сирдарё вилоят ҳокимлиги нашри «Янги Сирдарё» ижтимоий-сиёсий газетасининг 8 апрель сонида элимизнинг атоқли адиби Нурали Қобулга халқаро Чингиз Айтматов академиясининг академиги гувоҳномаси топширилганлиги ҳақидаги мақолани ўқиб қолдим. Гапнинг очиғи, мен бу ижоднинг асарларини болалигимдан ўқийман. Шунинг учун бўлса керак, унга ҳурматим чексиз. Хуллас, ўша мақолада баён этилишича, халқаро мукофотни топшириш маросимида Нурали Қобулга сўз берилади. Гапнинг рости, унинг фикрларини ўқиб, ҳалиям ёқамни ушлаб юрибман. Шундан сўнг миямда чарх уриб юрган саволларга яна кўплаб саволлар қўшилди.

– Кейинги пайтларда миллатимиз орасида китобхонлик анча сусайиб кетди, – дея сўз бошлайди нотиқ. – Айни кунларда келажагимиз қўлида бўлган ўқитувчилардан қандай китоб ўқигансиз, деб сўрагудек бўлсангиз, 10-20 йиллар муқаддам ўқиган китобларини пешкаш қилишади. Бир олийгоҳда ишлайдиган биродаримиз мендан яқинда Абдулла Қаҳҳор соғсаломат юрибдими, дея сўраганида этим жимирлаб кетди. Ўтган аср бошларида Абдулла Қодирий куйиб-ёниб: «Бу миллат одам бўлмайди», деб ёзганларида мана шунга ўхшаган кўрсавод кишиларни назарда тутган бўлса керак.

Энди англаётгандирсиз, давлат раҳбари жон куйдириб ўз фуқароларини нима учун китоб ўқишга ундаётганини. Яқинда марказий телеканалларидан бирида кўриб қолдим. Ёшгина мухбир қиз кўчадаги катта-кичикдан интервью оляпти, савол битта. Охирги марта қандай китоб ўқидингиз, қайси шоирнинг шеърларини ёқтирасиз? Ана шунда бир талаба йигит Абдулла Ориповнинг «Отабек ва Кумуш» романини доимо севиб ўқишини, шоирлардан Ўткир Ҳошимовнинг шеърлари билан яқиндан танишлигини айтиб мақтанди. Яна бир талаба Ўзбекистон мадҳиясини ёқтиришини, унинг муаллифи Эркин Воҳидов жуда зўр шоирлигини, шунинг учун унинг китобларини доимо излаб юришини иддао қила кетди. Бу жавобларни эшитиб пешонамдан совуқ тер чиқиб кетди. Яна ўша савол миямни пармалади, қаерга қараб кетяпмиз ўзи? Эътибор берсангиз, улар талабаман деяпти, нуфузли олий ўқув юртларининг номини айтишаяпти. Хўп, шундай бўлсин ҳам дейлик, нима бу олий ўқув юртларида маънавият-маърифат дарслари ўтилмайдими? Яна бир гап, бугуннинг боласи билан китоб мутоласи, китобхонлик ҳақида сўзлашмоқчи бўлсангиз, савол бошиданоқ у қўл телефонига ишора қилади.

«Китобнинг нима кераги бор, ана интернетда ҳамма нарса борку». Мен интернетлари-ю электрон адабиётга қарши эмасман. Лекин бугуннинг аксарият боласи ўша электрон китобни ҳам ўқимаётганлиги одамни хуноб қилади. Олимларнинг фикрича, китоб ўқилаётганда уни бармоқлар ҳам ҳис қилса тафаккур мияга чуқурроқ сингар экан. Бугун бизга босма нашрлар-у китоб керак эмас, ҳаммаси интернетда мужассам дея аюҳаннос солаётган бир ҳовуч кимсаларга элимизнинг яна бир суюкли шоири, адиби Муҳаммад Исмоилнинг «Яхши билиш керакки, интернетнинг ҳам, телевидениенинг ҳам, радионинг ҳам, театрнинг ҳам бобокалони – КИТОБдир», деган гапини эслатиб ўтмоқчиман.

Шу ерда газетхонлик ҳақида ҳам икки оғиз сўз айтмоқчиман. Кўп вақт бўлгани йўқ, Президентимиз республика миқёсида ўтказилган навбатдаги йиғинда «Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўлиб қолдилар. Менинг компьютеримда ҳамма нарса бор, менинг телефонимда ҳаммаси бор».

Бу миллат етакчисининг ҳақли эътирози ва аччиқ эътирофи. Сўзим охирида элимизнинг севимли ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» асаридаги бир иборани келтиришни жоиз деб билдим.

– Тарих такрорланиб туради, деган гап бор. Инсоният ибтидоий жамоага қайтиши мумкин. Бунинг илк белгилари ҳозирдан кўриняпти: китоб ўқийдиганлар камайиб бораяпти.

Қаҳрамон КЎПАЙСИНОВ, «Миллий тикланиш» демократик партияси Гулистон тумани Кенгаши депутати

ШАРҚҚА МАНСУБМИЗ!

Абира ХУСЕЙНОВА, фалсафа фанлари доктори, профессор, Узбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзоси:

ШАРҚОНА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИНГ ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

– Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунларданоқ жамиятнинг барча қатламларида, жумладан, аёлларга бўлган муносабатда ҳам ижтимоий адолатни тиклаш объектив заруриятга айланди. Чунки фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳуқуқий давлатни шакллантириш вазифасини аёлларга бўлган бир ёқлама муносабатни ўзгартирмасдан туриб амалга ошириб бўлмасди.

Маълумки, аёл ва сиёсат, аёл ва ҳокимият масаласи кишилик жамиятининг ҳеч бир босқичида ўз аҳамиятини йўқотмаган, аксинча, даврлар ўтиши билан долзарблиги ортиб борган. XXI асрдаги демократик ўзгаришлар даврида ушбу мавзу Ўзбекистонда ҳам илмий тадқиқотларнинг баҳс-мунозара предмети сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. «Гендер» тушунчаси XX асрнинг иккинчи ярмида илмий муомалага киритилган бўлса-да, унинг мазмуни қадимийдир. Икки жинс, яъни эркак ва аёл муносабатлари антик давр, қолаверса, ўрта асрлар фалсафаси, Уйғониш даври фалсафаси, янги давр фалсафасида ўз ифодасини топганлиги ҳам ушбу фикрни тасдиқлаши мумкин.

Демак, «гендер муносабатлар»и бугун эмас, балки қадимдан илмий тадқиқот предмети сифатида тадқиқ этиб келинади.

Қайд этиш жоизки, дунёда 230 дан зиёд давлатлар бўлса, уларнинг 80 дан зиёди демократик давлатлар сифатида дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган. Ушбу мамлакатлар аҳолисининг ярмидан кўпини эса аёллар ташкил этади. Аммо мазкур демократик жамиятларнинг барчасида ҳам «аёллар масаласи» тўлалигича ҳал этилган дея олмаймиз. Зеро, ушбу масалаларни ҳал этишда ҳар бир давлат ўз миллий хусусиятлари, анъаналари, қадриятлари ҳамда менталитетидан келиб чиқмоғи лозим. Шу маънода шарқона гендер тенглиги масаласининг илмий асосланишига бугун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда, дейиш мумкин.

Умида РАҲМОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

ГЕНДЕР ТЕНГЛИККА ҚАРШИ ЭМАСМИЗ, БИРОҚ?

– Чиндан ҳам гендер тенглик масаласи дунёнинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Шарқона гендер масаласи эса Марказий Осиё учун ундан-да долзарбдир.

Хўш, гендер тенглиги қачон бузилади? Қачонки, эркак ёки аёл камситилса, ўз ҳуқуқларидан у ёки бу жинсга тааллуқли экани сабаб айрилса ёки чекланса. Бизда менталитетга хос тушунчалар – тарбия, қадрият каби буюк мерос борлигини унутмаслигимиз керак. Гендер тенглиги масаласи таҳлил этилганда, миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналарни ҳам эътиборга олиш керак. Биз гендер тамойилларига қарши эмасмиз, фақат бу вазифаларни шарқона менталитетга мослаштириш тарафдоримиз. Чунки биргина гендер тенглиги ортида айрим давлатларда бир жинсли никоҳларни тарғиб этишга қаратилган ҳаракатларнинг авж олаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Қолаверса, гендер масаласи фақат аёлларга тааллуқли масала эмаслигини ҳам очиқ айтишимиз керак. Шунинг учун ҳам бу масаланинг нафақат аёллар, балки эркаклар иштирокидаги давраларда ҳам кенг муҳокама қилиниши мақсадга мувофиқдир.

ЭРКАКЛАРГА БЕРИЛМАГАН АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

– Бундай мазмундаги мулоқот илк бор "Миллий тикланиш" партияси ташаббуси билан ўтказилаётгани алоҳида эътирофга молик, албатта.

Афсуски, кейинги йилларда айрим манбаларда гендер масаласи ғарб томонидан кўтарилган масала сифатида талқин этилмоқда. Аслида, бундан XIV аср муқаддам эркакларга берилмаган ҳуқуқлар муқаддас динимиз томонидан аёлларга берилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жоҳилият даврида хўрланган ва таҳқирланган аёллар мавқеини кўтариш ва улар ҳуқуқи эркакларникидан кам эмаслигини таъкидлаш мақсадида Қуръони Каримнинг «Нисо» сураси нозил бўлди. Мазкур суранинг мўъжизаси шундан иборатки, у аёлларга бағишланган бўлиб, унда эркаклар неча маротаба тилга олинган бўлса, аёллар ҳам шунча ададда тилга олинади. Бундан ташқари, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам муборак ҳадисларида «Жаннат оналарнинг оёғи остидадир», «Яхшиликни энг аввало, онангга, онангга ва яна онангга қил!» каби кўплаб панду насиҳатлар келтирганлар.

Аждодларимиз томонидан қолдирилган ўгитларга ва уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўлларига назар ташласак, аёллар қадри доим улуғланиб, шарқона гендер тенглик тамойилларига амал қилинганига гувоҳ бўламиз.

Бугунги кунда эркак ва аёллар ўртасида юзага келаётган муаммоларни, уларнинг тенглиги борасидаги баҳсли мунозараларни қадимий қадриятларимиз, миллий урф-одатларимиз ва шарқона қарашларимиздан келиб чиқиб ҳал этишимиз лозим. Бу борада илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб борилишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда...

Юқоридагилардан шу нарса кўриниб турибдики, гендер тенглик барқарор ривожланишнинг асосларидан биридир. Эркаклар ва хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги тенг фаолияти, қарорлар қабул қилишда ҳар икки томоннинг тенг иштирокини таъминлаш бугунги тараққиётимиз учун ҳам жуда муҳимдир.

Абулҳасан Нурийман Абдураҳим, Марказий кенгаш Ижроия қўмитаси девони Ўқув-услубий ва тадқиқот маркази директори, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори:

Ана шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, «Миллий тикланиш» демократик партияси ташаббуси билан «Гендер тенглиги ғоясининг Ғарб ва Шарқ тамаддунининг илмий-ижтимоий тафаккурида акс этиши масалалари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясига тайёргарлик кўрила бошланди.

Ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад эса кенг жамоатчиликни жамиятда, оилада гендер тенглиги, ёш авлод ўртасида гендерга оид миллий маънавий-ахлоқий қадриятларни тарғиб қилиш ва ривожлантириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари билан таништириш, экспертларнинг мазкур соҳага оид фикрларини ўрганиш, ўзаро тажриба алмашиш, жамиятда гендер тенглигига оид муаммоларни бартараф этишнинг илғор усул ва технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда партия фаолларининг бу борадаги билим ва тажрибаларини ривожлантиришдан иборатдир.

Феруза ЖАЛИЛОВА тайёрлади.

Хориждаги юртдошимиз

Германияда яшаётган ўзбек журналисти билан суҳбат:

ФАРЗАНДЛАРИМ ЎЗБЕКЧА ТАРБИЯ ОЛИШИНИ ХОҲЛАЙМАН!

Ўзбек аёли деганда миллатимизга хос муҳитда тарбияланган шарқ аёли кўз олдимизга келади. Бугун кўплаб опа-сингилларимиз дунёнинг турли бурчакларида ўқиш, иш ва ёки оилавий шароит туфайли мусофирликда яшамоқда. ЎзА мухбири кўп йиллар мамлакатимиз босма нашрларида ишлаб, тажриба орттирган, ҳозир ўз оиласи билан Германияда истиқомат қилаётган журналист Маърифат Нур билан олмон юртида хотин-қизларга муносабат, аёлларнинг илм олишга бўлган қизиқишлари хусусида суҳбатлашди.

– Турмуш ўртоғингиз, фарзандларингиз ёнингизда бўлса-да, бошқа яқинларингиздан узоқдасиз. Севимли ишни, юртни ташлаб кетиш осон бўлмагандир?

– Оиламиз билан Германияга келганимизга етти йил бўлди. Бу орада уч фарзанд кўрдик. Албатта, Ватанни, қариндошуруғни қолдириб, олис юртга йўл олиш, бу ерга мослашиш осон кечмади. Бирин-кетин фарзандларимиз туғилиши менга далда берди, улар билан овундим. Ўзимда қўшимча куч ва шу билан бирга масъулият ҳам ҳис қилдим. Бир муддат фарзанд тарбияси билан банд бўлдим, уй шароитида мустақил ўқидим. Кейин немис тилини мукаммал ўрганиш мақсадида курсга бордим... Албатта, буларнинг бари мен учун ҳам, оилам учун ҳам осон кечмади.

– Германияда илм олиш учун қандай имкониятлар бор? Мутахассислигингиз бўйича юртимизда олган таҳсилни давом эттириш режаси йўқми?

– ГФР олий ўқув юртларида 80-100 минглаб одам ўқийди. Университетлар ҳам кўп. Талаб кучли бўлгани боис, ўқишдан четлатилган, навбатдаги босқичга ўтолмаганлар талайгина. Шунинг учун ҳам талабалар анча тиришқоқ. Энг йирик кутубхоналаргача доим гавжум. Бу ерда кўпчилик ҳам ишлаб, ҳам ўқийди.

Айни кунларда журналистика бўйича магистратурага кириш учун тайёрланяпман. Ўтган йили тажрибам бироз етмаганди. Гарчи, имтиҳон бўлмаса-да, ҳужжатлар тўплами, шу вақтгача соҳадаги ишлар сарҳисоби инобатга олинади. Бир йўла элликтагача университетга ҳужжат топширишим мумкин. Дарвоқе, бу ерда онлайн ва офлайн ўқишнинг сифати бир хил эканини айтиш жоиз.

– ГФРда ОАВлар ишини қандай телеканал, газета-журнал ёки сайтлар орқали кузатиб борасиз?

– Албатта, бу ерда ОАВ чин маънода тўртинчи ҳокимият. Телевидениеда айтилган ҳар бир сўз қонун билан баробар. Бугун айтилди, эртага унут бўлди ёки жой-жойида қолиб кетди, дегани эмас. Яъни, Германияда матбуот катта маънавий қурол ҳисобланади. Бу ерда журналистлар хато қилишдан қўрқишади, ҳар бир ишга виждонан ёндашади. Кўрсатув, эшиттириш, мақола ва хабарларда фақат инсон омили ҳақида гап боради. Журналистлар ҳукумат қабул қилган ҳужжатларни ҳам бемалол танқид қилишлари мумкин.

Бу ерларда у ёки бу матбуот турининг даври ўтди, энди у керакмас, деган асоссиз гаплар айтилмайди. Ҳеч ким, ҳатто босма нашрлар, яъни газеталарни «ўлди»га чиқармайди. Ўзини ҳурмат қилган маънавиятли инсонлар газета ўқийди. Одатий иш кунларининг маълум дақиқаларини газета ва журналлар мутолаасига сарфлашади.

– Чет элда ўзбек аёли бўлиб қолиш мажбурияти зиммангизга қандай масъулият юклайди?

– Германия ҳам худди Ўзбекистондек кўп миллатли, бағри кенг ўлка. Бу юртда ҳеч ким ўзини ёлғиз ҳис қилиши, жамиятдан ажралиб қолиши мумкин эмас. Немислар аёлларга ўзгача эътибор билан қарайдилар. Айниқса, мендек ўзбек миллатига мансуб, исломий оилада дунёга келган аёлнинг қарашлари ҳурмат қилинади. Дин ва эътиқод эркинлиги ҳам мукаммал. Диний бағрикенглик, инсонпарварлик тамойиллари жуда қадрланади. Бундай жамиятда яшаш осон, албатта. Табиийки, масъулияти ҳам ўзига яраша: жамият, оила, фарзандлар олдида. Дунёнинг қай бурчагида бўлмай, мен ўзбекман, уч нафар фарзанд тарбиялаяпман, асосий вазифам болаларимга ўзбек тилини ўргатишда, улар онгига қадриятларимизни сингдиришда, деб билдим. Масалан, доим

оилада отанинг ўрни муҳим эканини уқтираман. Фарзандларим ҳозир мактаб ёки боғчадан бирор хушхабар билан келса, аввало, отасидан суюнчи олишади. Қадриятларимизни ўзлаштириш учун тилимизни чуқур билиш зарур экан. Қисқаси, болаларим ўзбекона одатлардан йироқлашиб кетмаслиги зиммамдаги асосий масъулият, деб ҳисоблайман.

– Жамиятда аёлга эътибор қандай, раҳбарлик лавозимлари уларга ишониб топшириладими?

– Бу ерда хотин-қизлар эркаклар билан баб-баробар ишлашади. Фарзандга онадан кўра, ота кўпроқ масъул. Аёл қисқа туғруқ таътилидан сўнг ишга чиқиб кетиши мумкин.

Статистика шуни кўрсатадики, Германия аёлларининг 28 фоизи раҳбарлик лавозимида ишлайди. Бу катта кўрсаткич. Ҳатто, билсангиз, қуролли кучлар тизими раҳбари ҳам аёл киши. Бир сўз билан айтганда бу ерда хотин-қизларнинг фикри ҳар қандай вазиятда инобатга олинади, муҳим қарорлар аёллар таклифи билан қабул қилинади. Аёлни уриш у ёқда турсин, ранжитиш, жеркиш ҳам мумкин эмас. Агар ишда, кўчада, оилада шундай ҳолат кузатилса, тегишли ташкилотлар дарҳол чора кўрадилар.

– Ватанга қайтиш режангиз борми?

– Албатта, она заминимиз бизни доим бағрига чорлаб туради. Зеро, узоқда бўлсакда, қалбан Ўзбекистон биланмиз. Хоҳлайман ва ишонаманки, элимизга керакли кадр бўлиб қайтамиз. Мен бир она сифатида юртимизда ажримлар бўлмаслигини, оналар фарзанди ортидан йиғлаб қолмаслигини, осмонимиз мудом шундай мусаффо бўлиб қолишини тилайман.

ЎзА мухбири Дилобар МАМАТОВА суҳбатлашди.

MILLIY
Ижтимоий-сиёсий газетаси

Чоршанба
27 апрель, 2022 йил
№15 (1164)

40 йиллик тажрибага эга педагог сифатида ишонч билан айта оламанки, белгиланган вазифалар, шубҳасиз, Ўзбекистон таълим тизимида янги бир давр бошланаётганини англатади.

ТАЪЛИМ

ЭНДИ МАКТАБДА ЯШАМАГАН

ҲОКИМ ЮТҚАЗАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг миллий таълим тизимини ислоҳ қилиш вазифаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидан кейин маҳаллий ҳокимликларнинг мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларига бўлган муносабатлари тубдан ўзгарди, дейиш мумкин.

Йиғилишда мактаб ўқитувчиларини янги методика асосида қайта тайёрлаш бўйича умуммиллий лойиҳа амалга оширилиши, янги тизим доирасида 3-4 йилда мактаблардаги барча синф ўқитувчилари янги методика асосида ўқитилиши, 1 июнга қадар эса ҳар бир ҳудуддаги Малака ошириш марказлари негизида Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий таълим марказлари ташкил этилиб, уларга математика, физика, кимё, биология, IT каби аниқ ва табиий фанлар бўйича хорижлик мутахассислар жалб этилиши маълум қилинди.

Хорижий мутахассислар ёрдамида эса олийгоҳ, миллий таълим марказлари ва мобиль гуруҳлар, ҳар бир вилоят кесимида муаллимлардан иборат «тренерлар гуруҳлари» шакллантирилади. Қайд этилишича, улар жойларда мактаб ўқитувчиларининг ойлик иш ҳақига устамалар тўланиши чора-тадбирларини кўришлари лозим бўлади. Бу ишлар учун 100 миллион доллар қўшимча маблағ йўналтирилишининг ўзи амалга оширилаётган ўзгаришлар кўламини кўрсатиб турибди. 40 йиллик тажрибага эга педагог сифатида ишонч билан айта оламанки, белгиланган вазифалар, шубҳасиз, Ўзбекистон таълим тизимида янги бир давр бошланаётганини англатади.

Йиғилишда, шунингдек, барча мактаблардаги маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларига қўйилган талаблар қайта кўриб чиқилиб, бу лавозимга маҳалла ва жамоада обрўси баланд кадрлар қўйилиши, таълим даргоҳларида илм ва санъат вакиллари, зиёли ва нуронийлар, илғор тадбиркорлар, кластер ва саноат корхоналари раҳбарлари билан мунтазам учрашувлар ташкил этиш муҳимлиги ҳам таъкидланди.

Бундай юксак талаблардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, биз – мактаб директорлари энди хато қилмаслигимиз керак.

Эътибор беринг, йиғилишда Давлатимиз раҳбари томонидан Сирдарё ва Андижон вилояти ҳокимлари фаолияти мисол тариқасида келтирилиб, уларнинг ўз ҳудудларидаги мактабларнинг моддий техника ва кутубхона базасини кенгайтиришга амалда ёрдам бераётганлиги, бу тажрибани республика бўйича қўллаш лозимлиги айтиб ўтилди. Бундан эса барча раҳбарлар тегишли хулосалар чиқаришлари лозим. Шунинг учун ҳам йиғилишда барча даражадаги ҳокимлар мактаблардаги мавжуд 8 та муаммони аниқлаши ва бартараф этиш учун йўл харитаси ишлаб чиқишлари лозимлиги бежиз таъкидланмади.

Президентимизнинг «Халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-22-сонли фармойишида ҳам таълим масъулиятини фақат мактаб директорларига юкламасдан, натижа учун барча бирдек жавобгар экани белгиланган эди.

Ҳаётий тажрибамга асосланиб, айтишим жоиз: айниқса, бугун ота-оналар мактаб билан узвий алоқада бўлишлари лозим. Маълумки, аксарият болалар юқори синфга ўтгач, фанларга қизиқмай қўядилар. Бошланғич синфларда эса, аксинча. Сабаби ота-оналар боласи илк мактабга чиққан даврда унинг билим олишига жиддий эътибор қаратиб, у улғайгани ва юқори синфга кўчгани сари эътиборни сусайтиради, яъни «энди ўзи эплайди», деган фикрга бориб қоладилар. Лекин бола вояга етганидан кейинги даврда ота-онасининг кучли эътибори ва мотивацияси кераклигини кўрсатяпти. Юқори синф ўқувчилари олий таълимга кириш учун, энг аввало, ота-онасидан маслаҳат, тавсия ёки «топшириқ» олиши табиий ҳол. Лекин ана шу жараёнгача боланинг ўқишларига бўлган бефарқлик қимматга тушаётганини кўпчилигимиз тўла англамаяпмиз.

Ачинарлиси, айрим ота-оналар фарзандининг мактабга бормай ҳам билим олиши мумкин деб ҳисоблаяпти. Бизнингча, пандемия пайтида ўқувчи ва ота-оналарга енгиллик яратилгани айрим ота-оналарда ана шу тушунчанинг пайдо бўлишига олиб келди. Умуман, шу даврдаги ҳолат ўқувчи томонидан таълимга нисбатан эътиборсизликни кучайтирди.

Маълумки, ҳозир мактаблар рейтингини аниқлашда биринчи ўринда ўқувчиларнинг олий таълим муассасаларига киришлари ҳисобга олиняпти. Тўпланадиган умумий баллнинг ўртачаси ҳисобга олинса, пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 195-ИДУМ битирувчиларига таҳсин айтмасдан илож йўқ. Чунки ана шу мактабда 2020 йили 90 фоиз, 2021 йилда эса 95 фоиз битирувчининг ўқишга кирганлигини эшитдим. Бу, шубҳасиз, ушбу мактабда битирувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар ҳамжиҳатликда ишлаганликларини кўрсатади. Албатта, 100 фоиз битирувчи олий таълимга киришини кўз олдимизга келтиролмаймиз чунки улар орасида касб-ҳунар танлайдиган ва ўрта-махсус билим юртига кирадиганлари ҳам бор. Шундай бўлсада, ўқув муассасамиздан интеллектуал ривожланган шахсларни тарбиялаб чиқариш, уларни кўпроқ олий ўқув юртларига киришларига эришишимиз керак. Бунда эса, албатта, мактабдаги кадрлар салоҳияти бирламчи ўрин эгаллайди.

Айни пайтда Халқ таълими вазирлиги талабларига асосан ўқитувчилар бир йилда икки маротаба аттестациядан ўтишяпти. Бу эса мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ўқитувчига ўз малакасини янада ошириш имконияти яратиляпти, деганидир. Бундай шароитларнинг яратилишини эса таълимдаги ислоҳотларнинг самараси деб биламан. Мактаб юки директорлар зиммасига тушар экан, бунда малакали педагогларни танлаш, ҳар бир фан ўқитувчисини жой-жойига қўйиш, ўқитувчиларнинг ёши ва характеридан келиб чиқиб, уларга индивидуал ёндашган ҳолда ўқувчиларнинг танлов асосида ўқишларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ, деб биламан.

Бир сўз билан айтганда, бугун таълимни ислоҳ қилиш умумхалқ ишига айланди. Жойлардаги ҳокимлар, мутасаддилар, масъул ташкилотлар раҳбарларининг ҳам мактабларга муносабати ўзгармоқда.

Аммо ҳокимларимиз мактабларга ҳисобот учун, кимгадир ёқиш ёки кўзбўямачилик учун ёрдам бермасликлари керак. Улар обод ҳудуд, ривожланган иқтисодга эга бўлмоқчиларми, бунга ҳозирдан тайёргарлик кўришлари лозим. Президентимиз айтганидек, бу тайёргарлик мактабдан бошланиши лозим.

Муборак ТЕЛЕВОВА,
Халқ таълими аълочиси,
Зангиота туманидаги
19-умумтаълим мактаби
директор

✔ Мактабгача таълим

ЭНГ КУЙИ ТИЗИМГА ЭНГ ЮҚОРИ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛЯПТИ

Бугун қай бир соҳани ўрганмайлик янгилик ва яратувчанликка гувоҳ бўляпмиз. Бундан беш йил аввал янгиланишлардан қувонган, ҳайратланган бўлсак, бугун кўникдик. Ўзимиз ҳам давр ва замон билан ҳамнафас бўлишга интилиб яшаяпмиз. Мактабгача таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларга эса давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Зеро, бунинг сабабини барчамиз яхши англаб турибмиз. Чунки бу тизимда миллатнинг эртанги куни – келажаги камол топаётир.

Айни пайтда қамров даражасини ошириш, сифатли таълим-тарбия жараёнини изчил ташкил этиш олдимизда турган энг долзарб вазифалардан биридир. Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 11 июндаги «Қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Конимех туманида ҳам тизимли ишлар олиб борилди. Жумладан, 2021 йилда туманда 12 та давлат мактабгача таълим ташкилоти, 3 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти, 1 та давлат хусусий шерикчилик асосидаги мактабгача таълим ташкилоти фаолият олиб бориб, умумий қамров даражаси 59 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилнинг февраль ойига келиб, бу кўрсаткични 85 фоизга етказдик. МТТлар сонининг кескин кўпайгани натижалар омили бўлди, албатта. Тумандаги қамров даражаси паст ёки умуман МТТлар мавжуд бўлмаган «Учтепа», «Баймурот», «Янгиқазғон», «Саржал», «Карағата» каби Овул, қишлоқ ҳамда олис чўл ҳудудларида янгидан давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилди. Хусусан, «Баймурот» ОФЙдаги «Холмуротғазғон» қишлоғида 40 ўринли, «Янги турмуш» қишлоғида 50 ўринли, «Янгиқазғон» ОФЙ да 2 та 50 ва 25 ўринли, «Пахтакор» овулида 60 ўринли боғчалар фаолияти йўлга қўйилди. «Саржал» ОФЙ даги 25 ўринли боғча филиали кенгайтирилиб, 50 ўринга мўлжалланган давлат мактабгача таълим ташкилотига айлантирилди. Бундан ташқари, «Уражан» овулида 50 ўринли, «Қизилқудуқ» овулида 25, «Балақарақ» овулида 2 та 50 ва 25 ўринли нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари қуриб битказилди.

2022 йилнинг февраль ойига келиб умумий қамров даражасини 85 фоизга етказдик.

1, 2, 12-сонли мактабгача таълим ташкилотларида эса 25 ўринли гуруҳлар ташкил этилиб, жами 75 нафар тарбияланувчи бир йиллик мажбурий таълимга қамраб олинди. Шу билан бирга «Юксалиш» МФЙдаги «Кенегес» ва «Қумробод» қишлоқларида мобиль гуруҳлар иши йўлга қўйилиб, 64 нафар тарбияланувчи қамраб олинди. Келажакда чекка ҳудуд саналмиш «Дунгелекда» овулида 25 ўринли, «Териқудуқ»да ҳам 25 ўринли бир йиллик мажбурий таълим гуруҳларини очишни режалаштирганмиз. 6-7 ёшдаги болаларни 100 фоиз мактабгача таълимга камраб олиш мақсадида мобиль гуруҳлар ташкил этиш учун мобиль автобусга вазирликка талабнома юбордик. Таъкидлаш жоизки, туманда Давлат мактабгача таълим ташкилотларида 153 нафар, оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида 34 нафар педагог кадрлар фаолият юритмоқда. Раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, таълим-тарбия жараёнига тажрибали мутахассисларни жалб этишга ҳам алоҳида эътибор беряпмиз. Таълим сифатини ошириш мақсадида эса Мактабгача таълим вазирлиги томонидан Корея, Япония, Германия каби ривожланган мамлакатларнинг тарбия методикаси, иш тажрибалари кенг тарғиб қилиниб, бу бўйича ишлаб чиқилган қўлланмалар, видеороликлар таълим жараёнига изчил татбиқ этилмоқда. Бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топиш мақсадида эса тарбияланувчилар учун ментал арифметика, шахмат-шашка, бадиий гимнастика, инглиз ва рус тиллари каби қўшимча тўгараклар фаолиятини йўлга қўяяпмиз. Шу ўринда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш, қамров даражасини ошириш жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш ҳар бир тарбиячи-педагогдан чуқур билим ва ижодкорликни талаб этади, албатта. Биз ана шундай талаблар асосида Конимехда мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга ҳаракат қиляпмиз. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, соҳада самарали натижаларга эришиш, зиммамиздаги вазифаларни масъулият билан бажаришда барча мактабгача таълим ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик амалиёти йўлга қўйилган. Бу ўз ўрнида тарбиячи-педагоглар малакасини ошириш, таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик методларни қўллаш имконини бериш баробарида, уларни такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳаза алмашишга ҳам шароит яратяпмиз. Зотан, ҳар қандай билим ва тажриба амалиётда янада мустаҳкамланади.

Дилором ДАВЛАТОВА,
Навоий вилояти
Конимех тумани МТБ мудири



НАВКИРОН ОҚСОҚОЛ

ЁХУД КЕКСАЛИКНИ ҲАЙДАБ ЮБОРГАН ЁШУЛЛИ ҲАҚИДА

...Тўғрисини айтсам, унга роса ҳавас қиламан. Қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Қаловини топиб қорни ёндириш тугул, муздан ҳам олов чиқара олади. Мактабдош дўстим бўлгани учун ҳам феъл-атвори менга беш қўлдек маълум. Ўзига нисбатан жуда каттиққўл, бир ишга киришдими битирмагунча ўзи билан ўзи олишаверади. Агар ўша иш вақтида битмаса ич-этини ейди... Нима қилиб бўлса ҳам охирига етади. Ваъдага вафо – аҳдида қоим туришни мен ундан ўрганганман. Унга мурожаат қилган одамларнинг кичик ташвишини ҳам муҳим муаммодек қабул қилади. Юқорида айтганимдек, шу муаммони ҳал қилмагунча тиниб-тинчимайди. Қачон қарасанг, одамларнинг ташвиши билан юради. Тўғриси, бу инсон ўзи учун эмас, эл учун яшайди, яшаяпти. Шу боис, уни бутун Хоразм аҳли ҳурмат қилади, ардоклайди. Бир сирни айтайми, эл уни орқаворотдан «Боевой оксоқол», деб атайди. Кўпнинг дуоси кўл бўлади дейдилар. У ўз элининг дуосини ола билди. Шунинг учун 70 ёшидаям йигитлардек шахдам-тетик. Қарилик ундан қўркади, очиғи...

Элимизнинг суюкли шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Сотим Аваз билан Баҳодир Бобожонов ҳақидаги суҳбатимиз шу тариқа бошланди...

Баҳодир Бобожонов ким дейсизми? Агар бу саволни Қорақалпоқ ёхуд Хоразм томонларда бировга берсангиз ўша кимса сизга қараб, саволингизга савол билан «жавоб» беради: – Хараб бўлгийсиз, Ёшуллини данимийсизма?! Нама бало, Марсдан галдингизма, уни ҳамма данийди-ку.

Хуллас, шундай аччиққина сўзларни эшитгингиз келмаса, воҳа аҳлига зинҳор-базинҳор юқоридаги саволни берманг.

Баҳодир оға Хоразм воҳасининг эр йигитларидан. Ётмиш ёшни «уриб» қўйибди-ю ҳали-ҳануз қадди тетик, овози ўктам, юришлари шахдам, кўзларидан ўт чақнаб туради. Шунинг учун ҳадди сиққан баъзи шогирдлари уни ўзларига гаштак жўраликка ҳам «аъзо» қилиб олишган. Энг асосийси, улар ўша гап-гаштакда ундан ҳаётий сабоқ олишади, аниқроғи, устоздаги одамийлик мулкидан бир парчасини бўлсада «юлиб» олишади. Ўша «юлиб олинган» ҳислатлар уларнинг кейинги ҳаётида, иш фаолиятида жуда-жуда асқотишини яхши билишади. Оға буни сезиб, англаб турсада ўзини билмаганликка солади. Ҳозирги ёшлар жуда пишиқда, – у гоҳ гоҳида шундай дея мийиғида кулиб қўяди.

– Яна дўстини мақтаяпти деб ўйламанг, мен элнинг гапини айтаяпман – Яратган Баҳодирга ҳар томонлама берган. Унда инсонийликнинг барча ҳислатлари бор. Мактабда ўқиб юрган чоғларимизда дала-тузда чексиз самога тикилиб, келажак ҳақида тинмай хаёллар сурсак, у бошқалардан фарқли ўлароқ аниқ мақсад ва вазифалар ҳақида сўзларди. Уларни амалга ошириш йўллари ҳақида ўйларди. Фикрларини шундай аниқ-тиниқ баён этардики, ҳаммамиз унинг оғзига тикилардик, – дея сўзини давом эттиради Сотим оға. – У мактабда аъло баҳоларга ўқирди. Ҳайратланарлиси, барча фанларни осонгина ўзлаштирарди. Дарсдан бўш вақтларида турли тўгаракларнинг «тўри» уники эди. Шеър ҳам ёзарди, рақсга ҳам тушарди, камига бадиий саҳналарда турли ролларни қойилмақом ижро этарди. Ҳаммасига бирдек улгурарди. Бунга қандай эришарди, мактабдошлар ҳали-ҳануз тушунмаймиз. Ахир қишлоқ боласининг ташвишлари кам дейсизми?! Мол-ҳол, дала юмушлари дегандек... Йўқ, у барига вақт топарди. Бўладиган бола бошидан маълум деган нақл худди Баҳодирга аталгандек.

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг ҳақиқий содиқ, жонкуяр фаолларидан бўлмиш Баҳодир Бобожонов ҳақида ёзиш менга унчалик ҳам осон бўлмади. Чунки унинг босиб ўтган ҳаёт йўлига оид турли ҳужжатлар, йиғилган далиллар, дўстлари-ю издошлари, шогирдларининг у ҳақидаги қайноқ фикрлари шу қадар кўп эдики, уларнинг қай бирини мақолага жойлашни билмай анчайин ҳалак бўлдим. Энг асосийси, бу ҳужжатлар-у дил изҳорлари замирида, шоир тили билан айтганда, ҳаётнинг ажиб ва ажойиб тафти, ҳиди анқиб турарди. Юк кўтарган юзага чиқар деган эл нақлининг нақадар тўғри эканлигига ушбуни қоралаш жараёнида ҳам амин бўлдим.

Баҳодир Бобожонов зиёли, китобсевар оилада ўсиб-улғайди. Мактабни аъло баҳоларга битиргач, Тошкент политехника олийгоҳига ўқишга кирди. Ўзининг изланувчанлиги, аъло ўқишлари-ю жамоат ишларида фаоллиги билан тез орада устозлар назарига тушди. Пайдар-пай уларнинг дуосини олди. 1975 йилда ўқишни битиргач, олийгоҳ раҳбарлари-ю ўқитувчиларининг ҳай-ҳайлашига, яъни шу ерда қолиб ишлашга ундовчи «оташин чақириқ»ларига қарамай, она юрти – Хоразмга отланди. Институт раҳбарлари унинг тимсолида келажакдаги зўр раҳбар-олимни кўришганди. Ўша даврлар тили билан айтганда шундай «боевой кадр»ни қўлдан чиқаришнинг ўзи ўта кетган аҳмоқлик саналарди. Қанчадан-қанча таваллолар қилинди ҳамки, Баҳодир ўз сўзида қатъий туриб олди. Хоразм аҳлининг хизматини қилишга бел боғлаганини устозларига зўр-базўр тушунтирди...

Урганч шаҳридаги умумий овқатланиш бошқармасида муҳандис вазифасида иш бошлаган Баҳодир бу ерда ҳам тез орада ўзини кўрсатди: «Адолат-ҳақиқатни айтиш ва тинглашдан бошланади». У худди шу ақидага амал қилиб иш юрита бошлади. Одамларнинг дардини, фикрларини диққат билан эшитди, нобакор, юлғич, порахўр кимсаларнинг кўзига тик қараб, уларнинг қинғир фаолиятига чек қўйилишига эришди. Натижада «каттакон»ларнинг назарига тушди – Ўрта Осиё темир йўли Урганч станцияси ишчилар таъминоти бўлими бошлиғи ўринбосари, вилоят партия қўмитаси масъул ходими, Республика давлат мулки қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи, вилоят ҳокими ўринбосари, Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича вилоят бошқармаси бошлиғи, вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси лавозимларида қатор йиллар самарали меҳнат қилди.

Мақоламиз аввалида унинг мактабдош дўсти, шоир Сотим Авазнинг «У ҳамма ишга вақт топа олишидан ҳайратланардик», деган сўзларини келтиргандик. Бунинг исботи ўлароқ шуни айтиш мумкинки, Бобожонов шунча масъул лавозимларда ишлаш билан бир вақтда Тошкент Кибернетика олийгоҳининг аспирантурасини ҳам муваффақиятли тугаллаб, номзодлик диссертациясини ёқлади, иқтисод фанлари номзоди илмий даражаси соҳибига ҳам айланди.

Шуларни ёзаяпман-у Сотим Авазнинг ўз дўстига нега муттасил қойил қолиб юришининг сабабини англагандек бўлдим ва, ўз навбатида, мендаям савол туғилди: буларнинг барига қандай қилиб улгурди экан?!

– Баҳодир Бобожонов 2005 йилдан 2016 йил охирига қадар «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Хоразм вилояти Кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати сифатида ҳам самарали фаолият юритди, – дейди партия фаоли, Урганч давлат университети профессори Зарифбой Дўсимов. – Биласизми, биз у кишини «Боевой оксоқол» деб атаймиз, чунки унинг жисмида қандайдир ғайритабиий куч бор. Ҳар қандай муаммоли масалага қўққисдан, кутилмаган томондан ёндашади. Мажлисларда уларнинг ечимини шундай усталик билан топадики, ҳайратдан ёқа ушлайсан одам. Унинг ҳузуридан чиққач, шуниям билмабмиз-а, дея ўзўзимизни қойиб сўнгра ҳижолат чеккан пайтларимиз ҳам кўп бўлган. Тўғриси, Баҳодир оға партиянинг вилоят кенгашига раис этиб сайлангач, Хоразм воҳасида партия сафи анча кенгайиб, нуфузи сезиларли даражада ортди. Чунки оғани бутун эл ҳурмат қиларди-да. Унга эргашса ҳеч қачон ёмонлик кўрмаслигини яхши биларди-лар.

– Баҳодир оғани ўзимга устоз деб биламан, чунки унинг ҳар бир гапида маъно бор. Тинмай изланади, ўқийди, энг қизиғи, ҳали билмаганларим кўп, ўрганишим керак, дея гоҳ-гоҳида ўксиниб ҳам қўяди. Унинг бу гапларини эшитиб ўз-ўзимдан уялиб кетаман. Негаки, 70 ёшга кирса-да тиниб-тинчимайдиган, ҳаёти мобайнида ҳисобсиз юмушларни дўндириб қўйган шундай инсон ўзидан қониқмаса... Биз ўзимиздан қониқишимиз мумкинми, тўғриси, дунёга келиб юрт учун нима қилиб бердик, дея ўйланиб қоламан, – дейди «Хоразм ҳақиқати» ва «Харезмская Правда» газеталари Бирлашган таҳририятлари Бош муҳаррири Солияжон Раҳимберганова. – Энг асосийси, устоз бизга ўзимизга талабчан бўлишни, ўз виждонимиз қаршисида ўзимизга сўроқ беришни ўргатди. Зотан, виждони пок одам ерга қараб қолмайди, аксинча, одамларнинг юзига тик боқа олади. Бу устознинг энг катта ўгитларидан биридир.

«Миллий тикланиш»нинг вилоят Кенгаши раиси ўринбосари, Республика «Ишонч» газетасининг Хоразм вилоятидаги махсус мухбири Муҳаббат Тўрабоеванинг ҳам оқсоқол ҳақидаги фикрлари жуда қайноқ: – Бутун Хоразм аҳли бу инсонга ҳавас қилади. Болам, неварам шу инсондек эл аро азиз бўлсин деб ният қилиб унинг исмини чақалоғига қўйганлар воҳада сон-саноқсиз. Ҳеч эсимдан чиқмайди, партия вилоят кенгашига дастлаб ишга келган кезларим Баҳодир оға – раис билан партиянинг тарғибот тадбири туфайли чекка бир туманга бордик. Ўшанда бизни, аниқроғи, уни катта издиҳомтантана билан кутиб олишди. Тўғриси, буни таърифлаб бера олмайман. Оқсоқол келибди деган хабар бир зумда ҳаммаёққа тарқалиб, атрофимизга одам сиғмай кетди. Кейинчалик бундай ҳолатларга кўникиб ҳам қолдим. Лекин энди англасам устоз бутун воҳа халқининг дилидан жой олиб бўлган, минглаб қалбларни ўзининг самимийлиги билан забт этиб улгурган экан.

Энг олий жазо – одамнинг ёлғизланиб қолишидир. Элнинг назаридан қолиб, бу ҳолга тушишдан Ўзи асрасин. Шундан эҳтиёт бўлинг, бунинг учун ҳалол яшамоқ ва ишламоқ шарт. – Устоз барча шогирдларига шу ўгитни бот-бот уқтирадилар, – дейди Муҳаббат опа.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Баҳодир Бобожонов бугун қутлуғ 70 ёшга тўлди. Унинг адл юриш-туриши-ю шиддатли боқишларидан бунга кўпчилик ишонмасада қурмагур паспорт деган ҳужжат буни тасдиқлаб турибди.

Арифметика деган фанга таяниб иш кўриладиган бўлса, 70 йилда Баҳодир оға 25 550 кунни «юмалоқ ёстиқ» қилиб, жами 840 ойни аллақачон «ўзининг ётоғи»га кузатиб қўйибди.

Лекин ана шу кун ва ойларнинг бирон дақиқасини-да қаҳрамонимиз увол қилмади, натижада мана шу кунларга ёруғ юз билан етиб келди. Оқсоқол ҳозирдаям тиниб-тинчигани йўқ. «Миллий тикланиш»нинг Хоразм вилоят Кенгаши қошидаги Фахрийлар уюшмасига раҳбарлик қилмоқда. Юқорида айтганимиз 25 550 кунга яна эл хизмати учун рақамлар қўшилмоқда. Ойларга эса ойлар уланаётир. У ҳақида ёза туриб дилимни яна бир мулоҳаза чулғаб олди ва баногоҳ тилимга кўчди. Энди бунисига қойил қолмай, тан бермасдан ўзга илож йўқ. Баҳодир Бобожонов шу кунгача 10 та китоб муаллифига ҳам айланиб улгурибди. Бинобарин у «Узманг, дўстлик торини» асарида шундай ёзади. «Иймоннинг ярми шукр, ярми сабрдир. Эришилган барча нарсаларга шукр қилмоқ лозим, умид қилинаётганларига эришгунча сабр қилмоқ даркор!». Ҳа, Баҳодир оға бир умр шукр ва гўзал сабрни ўзига ошно тутиб яшади. Уларни тилидан ҳам, дилидан ҳам қўймади. Алалоқибат гўзал тарзда гўзал кунларга етиб келди ва унинг соҳибига айланди. Юқорида айтилган гўзал сабр барчамизга бирдек насиб этсин. Ўзингиз «бош бўлиб ётоғига кузатган» 840 ойлик ёшингизга камида яна шунча ёш қўшилсин, бизга ҳам сизнинг йўлингизни берсин, Баҳодир оға!

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ,
журналист

Минбар

ТАШҚИ ҚАРЗНИНГ АСОСИЙ ФОИЗИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН ҚОПЛАНМАЙДИ

Ҳозирги жаҳон тенденциясига эътибор қаратилса, давлат қарзидан самарали фойдаланиш ва ижобий натижаларга эришишни ўзида акс эттирган стратегияларни шакллантириш долзарб ҳисобланаётгани маълум бўлади.

Мамлакатлар қарздорлигини доимий назорат қилиш, давлат қарзининг ноўрин ошиб кетишига йўл қўймаслик, ташқи ва ички қарзларни самарали бошқаришда ҳар бир давлат ўзининг миллий стратегиясига эга бўлиши зарур, албатта.

Шу боис, 2020-2022 йиллар учун «Ўзбекистон Республикасининг давлат қарзини бошқариш стратегияси» ишлаб чиқилди. Стратегия доирасида давлат қарзини диверсификациялаш мақсадида Давлат бюджети дефицитини, аввало, давлат қимматли қоғозларини ички бозорда жойлаштириш орқали қоплашга ҳаракат қилинмоқда.

Маълумки, амалдаги тартибга кўра, давлат қарзи ҳисобидан молиялаштирилган ва якунланган барча лойиҳалар мажбурий тартибда Ҳисоб палатаси томонидан аудитдан ўтказилиб, ОАВ ва Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида муҳокама қилиниши белгиланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Давлат қарзи тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб, қабул қилингани ҳам ушбу масаланинг ниҳоятда долзарб эканини кўрсатади. Мазкур қонун лойиҳаси юзасидан Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки каби халқаро молия институтларининг экспертлари ҳам ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Қонун лойиҳасида давлат ички ва ташқи қарзлари таснифи, давлат бошқарув органларининг давлат қарзини жалб этиш ва бошқариш соҳасидаги ваколатлари, давлат корхоналари томонидан қарз маблағларини жалб қилиш, давлат қарзи бўйича лимитлар ва уларни ўрнатиш қоидалари, шартли мажбуриятларни бошқариш, давлат қарзига ўз вақтида ва тўлиқ хизмат кўрсатилиши ҳамда давлат қарзини бошқаришда шаффофлик ва маълумотлар очиқлигини таъминлаш назарда тутилган.

Шунингдек, давлат қарзи статистикаси шаффофлигини таъминлаш мақсадида давлат қарзи ҳолати ва уни шакллантирувчи омиллар, давлат қарзи ҳисобидан молиялаштирилаётган лойиҳалар ҳамда давлат қарзини бошқариш тизими самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган чоралар тўғрисидаги маълумотни қамраб олувчи Ўзбекистон Республикасининг Давлат қарзи ҳолати ва динамикаси шарҳи, ойлик ахборотнома ва ҳисоботлар расмий веб-саҳифалар ҳамда «Кенгайтирилган маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими»да мунтазам эълон қилиб борилмоқда.

UNCTAD ва Осиё тараққиёт банки кўмаги билан Ўзбекистон Республикаси Давлат қарзи мониторингини юритиш, унга хизмат кўрсатиш, ҳисоб ва ҳисоботларни автоматлаштириш мақсадида Молия вазирлиги томонидан давлат қарзини бошқариш ва молиявий таҳлил тизими (DMFAS-6 дастурий мажмуаси) жорий қилинди. Шу билан бирга, йирик инвестицион лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик асосида молиялаштириш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Давлат қарзи ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларининг лойиҳаолди ҳужжатларини тайёрлаш, идоралараро экспертизадан ўтказиш, мониторинг ва натижадорлигини баҳолаш бўйича Президентимизнинг тегишли қарорига мувофиқ Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузурида «Халқаро ҳамкорлик агентлиги» ҳам ташкил этилди.

Шу билан бирга, Давлат бюджети дефицитини имкон қадар ички қарз ҳисобидан қоплаш мақсадида Молия вазирлиги мутахассислари АҚШ Ғазначилиги ва Осиё тараққиёт банки мутахассислари билан биргаликда мамлакатимизда капитал бозорни ривожлантириш устида иш олиб бормоқдалар. Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан қарз маблағларини жалб этишда консерватив ёндашувга ва хатарларни бошқариш тамойилларига қатъий амал қилаётганини таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда давлат ташқи қарзи қолдиғининг асосий фоиз қисми давлат бюджети ҳисобидан эмас, балки инвестицион лойиҳаларга жалб этилган маблағларни ташкил этиб, ушбу қарздорлик лойиҳаларни амалга оширишдан тушган маблағлар ҳисобидан қопланади.

Жамшид ҚОСИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси

fb.com/milliytiklanish.gazetasi
t.me/milliy_tiklanish_gazetasi
www.mt.uz
milliytiklanish2022@umail.uz

«Milliy tiklanish»
ижтимоий-сиёсий газетаси
www.mt.uz
№15 (1164)
27 апрель 2022 йил, чоршанба



26 апрель – Муҳаммад Юсуф таваллуд топган кун

Партия назоратга олади

Ичан қалъа воқеаси ХИЁНАТ ҚАЛЪАСИни кўрсатиб қўйди

Орамизда тарихий-маданий бойликларимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини тушунмайдиган ёки тушунишни истамайдиган кимсаларнинг борлиги, уларнинг қўлига эса тарихий-маданий бойликларнинг бериб қўйилиши кечириб бўлмас хато эканини яна бир карра англаб етдик.

Ичан қалъа давлат музей-қўриқхонасида кўргазмага қўйилган 100 дан ортиқ экспонатларнинг қалбакилиги аниқлангани жамоатчиликни жунбушга келтирди. Айбдорларнинг ноқонуний ҳаракатларини ҳеч бир сабаб билан оқлаб бўлмайди, албатта.

Қайд этиш лозимки, бугун моддий маданий мерос объектларини ўзлаштириш билан боғлиқ ҳаракатлар бот-бот такрорланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Халқимизнинг неча асрлар давомида йиғилган, тарихимиздан сўзлайдиган бебаҳо экспонатларнинг ўз шахсий манфаатларини кўзлаб, арзон гаровга сотиб юбораётган шахслар қонун олдида жавоб беришлари керак.

«Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам айбдорлар қилмишларига яраша жазоланиши, бу эса бошқаларга мактаб бўлиши лозим, деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, экспонатларнинг асл нусхаларини излаш, топиш ва жойига қайтариш чораларини кўриш зарур деб ҳисоблайди.

Бунда моддий маданий бойликларни асраш билан боғлиқ фаолиятни ташкил этиш ишларига ходимларни жалб этиш, уларга алоҳида эътибор қаратиш, бу борада норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш лозимлигини ҳам таъкидлайди. Кўриниб турибдики, тарихий-маданий бойликларнинг йўқолиши, ўғирланиши, қалбакисига алмаштирилиши билан боғлиқ қонунбузарликларга жавобгарлик чораларини кучайтириш долзарб бўлиб бораётир.

Ўрол ҲАИТОВ,
партия Марказий кенгаши ходими

Қалле сарлавҳа? «Яйип» қўйишибдими?

«Хитой янги товушдан тез учадиган кемага қарши ракетани синовдан ўтказди»...

Бир ўқиганда унча-мунча алломанинг ақли етмайдиган ушбу «пурмаъно карам шўрва»нинг «топ-тоза.уз» мазмунни англатувчи сайтда чиққан бир хабар сарлавҳаси экан. Энди бу ерда товуш янгими ёки кема товушдан тез учадими ёхуд ракета янгими, бу ёғини ўзингиз топиб олаверасиз.

Шуни «ХИТОЙ КЕМАЛАРГА ҚАРШИ, ТОВУШДАН ҲАМ ТЕЗ УЧУВЧИ ЯНГИ РАКЕТАНИ СИНОВДАН ЎТКАЗДИ», деб ёзса бўлмайди-да. Чунки унда ушбу сарлавҳа жонивор одам тушунадиган тилда бўлиб қолади. Кейин ҳамма, «Ие! Бу сайтда саводли одамлар ишлар экан! Ай-яй-яй!», деб сайтнинг қорни қаппайган эгаларини уялтира бошлашади, тўғрими? Шунинг учун, газини босинглар, йигитлар! Бўш келманглар! Тилини ҳакка чўқиган чала-чулпалар дастидан шундоғам рамақижон бўлиб қолган тилимизни оёқости қилиб, тепкилашда давом этаверинглар. «Миннатдор» авлодлар эса сизга (ёнига етти пуштингизнинг қўшиб) коотта «раҳмат» айтади, албатта.

Карикатура интернетдаги очиқ манбадан

P.S. Саводи ғовлаган «юксак» дидли «аллома»лар бу хабарни қаердан олдилар экан, деб интернетни титкилаб кўрдим. Қарасам, «аҳмақ» ўрислар ўз тилларида «КИТАЙ ИСПЫТАЛ НОВУЮ СВЕРХЗВУКОВУЮ ПРОТИВОКОРАБЕЛЬНУЮ РАКЕТУ», деб ёзишган экан! Яхшиямки, бизникилар ҳарфма-ҳарф таржима қилишаётганда бу «хато»ни «тўғрилаб» қўйишибди.

Соҳибжон АЛИЖОНОВ

ЎЗБЕКИСТОН

О, ота маконим,
Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
Сендай меҳрибон йўқ,
Сенингдек кўркам,
Римни алишмасман бедапоянгга.

Бир гўша сув бўлса, бир гўша қирлар,
Қанча юртни кўрдим, қанча тақдирлар.
Қайга борсам суяб, бошни тик тут, деб
Тоғларинг изимдан эргашиб юрар.

Кўрдим сулувларнинг энг фаранглари,
Ё худбинман, ё бир содда касман мен.
Парижнинг энг гўзал ресторанларин,
Битта тандирингга алишмасман мен.

Не гапга кўнайин,
Не тил билайин,
Кўздан уйқу қочди, дилдан ҳаловат.
Уч кунда соғинсам нима қилайин...?
Чала қолар бўлди ҳамма саёҳат.

Билдимки, баридан улуғим ўзинг,
Билдимки, яқини шу тупроқ менга.
Баҳорда Бахмалда туғилган кўзинг
Араб оҳусидан азизроқ менга.

Сен билан ўтган ҳар кун байрам-базм,
Сенсиз бир он қолсам ваҳмим келади.
Сени билганларга қиламан таъзим,
Сени билмасларга раҳмим келади.

ОНА ТИЛИМ

Гарчи зуғум қилганларни ёқтирмадим,
Шеър ёздиму бўлак ишни қотирмадим.
Тилим туриб ўз тилимда гапирмадим,
Бир эсласам эзилади бағри-дилим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Онам «эркам» деб қучганда тунлар ярим,
Эрким йўқ деб зирқирарди бир жойларим,
Паровозни ҳансиратган буғдойларим,
Олтинларим, маъданларим, ипакларим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Кимлар учун биз эдик бир бадавийлар,
Ўзбекни қон қақшатганни ўзбек сийлар,
Ҳолимизни қон кузатди Яссавийлар,
Топганимиз ҳандалакдек тилим-тилим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Кимдир майда миллат бўлди, кимдир катта,
Катта миллат — Афандиси йўқдир ҳатто,
Биз пиёда, биз боққанлар юрди отда,
Зулм ўтса фақат сендан ўтди зулм,
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Сен бўлмасанг нима бизга силлиқ шеърлар,
Бу дунёда тили йўқда дил йўқ дерлар,
Баҳоинг-ку бериб кетган Алишерлар,
Юрагимнинг тўридаги сўлмас гулим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Бир қарасам ҳар шевангда минг жилолар
Ҳар новдангда, ҳар мевангда минг жилолар.
Қодирийлар, Чўлпонлар-у, Абдуллолар,
Сенинг қайтган кунинг мен туғилган йилим,
Она тилим, эй муқаддас Она тилим.

Ўгит

Сизни қадрлайдиганлар даврасида бўлинг

Ота ўлимидан олдин фарзандини чақириб, қўлига бир соат тутқазди.

– Бу соат 200 йил олдин ясалган. Бизга бобонгнинг боболаридан мерос қолган. Сен буни маҳалла бошидаги соатсозга олиб бориб, сотмоқчи эканингни айт ва унинг жавобини менга келтир, – деди. Ўғил бориб, соатсоздан:

– Бунинг эски экан, беш доллар бераман, – деган жавобни олиб келди.

– Энди буни антиквар-ноёб нарсалар сотиладиган дўконга олиб боргин, – деди ота.

У ерга борган ўғил дўкондорнинг «беш минг доллар бераман» деган жавоби билан қайтди. Ота яна ўғлини юбора туриб:

– Энди буни давлат музейига олиб бориб, сотмоқчи эканингни айт, – деди. Музейга бориб, отаси ёнига жуда ҳайратланган ҳолда қайтган ўғил:

– Музейдагилар бир мутахассисни чақиртириб, уни яхшилаб текширганларидан сўнг шу бир парчагина темирни бир миллион доллар деб баҳолашди-я, – деди.

Шунда ота:

– Болам, сенга ўргатмоқчи бўлганим, сенинг жойинг қадрингни тўғри билишадиган жойда. Ўзингни нотўғри ерга қўйиб, қадрингга етмасалар, хафа бўлиб юрма. Қадрингни билган қадрингга ҳам етади. Ўзингга нолойиқ бўлган ерда ҳаргиз қолма! – дея насиҳат қилган бўлди.

Доимо сизни қадрлайдиганлар даврасида бўлинг. Акс ҳолда, ўз қадрингизни топмайсиз.

Ҳикмат

Ҳаёт ички қадриятни излашдан иборатдир

Бобом менга бир куни: икки турдаги одамлар бор, деди. Ишлайдиганлар ва баҳона излайдиганлар. У мендан биринчи турдаги одамлар қаторида бўлишни сўради. Яъни, у ерда рақобат анчагина кам.

Ҳеч ким сизга имкониятларни тақдим этмайди. Уларни юлиб олиш ва устида ишлаш керак, бунга тиришқоқлик ва жасорат талаб қилинади. Яқинда сиз кўтарилган чўққингиз энг қуйи чўққилардан бири эканлигини тушуниб етасиз. Бу тоғ қатор тоғларнинг бир қисми эканлигини, бундан бошқа кўплаб тоғлар борлигини ҳам... Сиз қанчалик юқори кўтарилсангиз, ўта кучли чарчоққа қарамай янада юқорироққа кўтарилишни шунчалик кўп хоҳлайсиз. Бизнинг бугунги ҳаракатларимиз эртанги кунимизни шакллантиради. Биз нима қилмоқчи бўлганимиз эмас, нимага эришганимиз муҳим. Ҳаёт саёҳати қудрат ёки бойлик излашдан эмас, ички қадриятни излашдан иборатдир.

Индира ГАНДИ
иқтибосларидан

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,
Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал ЖУМАБОЕВ, Баҳодир МАМАТХОНОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Иброхим ҒОФУРОВ, Ирода ДАДАЖОНОВА, Минҳожиддин МИРЗО, Олим ЎСАРОВ, Нодир МУХТОРОВ, Одилжон ТОЖИЕВ, Отабек ЖИЯНБОЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАММАДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Максуд Шайхзода кўчаси, 1 А-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи мухаррирлар:
Дониёр ТОШБОЕВ,
Равшан МАҲМУДОВ
Нашр учун масъул:
Маъмуржон ЮЛДОШЕВ
Навбатчи:
Вилоятхон ШОДИЕВА
Дизайн гуруҳи:
Маъмуржон ҚУДРАТОВ,
Лазиз МЕЙЛИКОВ,
Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ

Электрон почта:
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Адади – 10 007.
Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ
Буюртма – 416
Босишга топшириш вакти 21.00.
Топширилди 02:50

ISSN 2010-7714

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11

123456